

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк – молия хизматлари» факультети

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Ҳимояга тавсия этилди»

Кафедра мудири

_____доц. Ниёзов З.Д.

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Мавзу: Банклараро ҳисоб- китобларнинг ташкил этилиши ва ҳисоби

масалалари

(АТБ «Микрокредитбанк» Самарқанд вилоят бўлими мисолида)

Бажарди_БИ-107___гуруҳ талабаси **Мухаммадиев Камолиддин**

Илмий раҳбар **кат.ук.Даминов Ф.**

Ҳимоя вақти «_23_»_ июн_ 2011 йил

ДАК баҳоси_____

ДАК қарори_____

ДАК раиси_____

ДАК аъзолари

1. _____
2. _____
3. _____
4. _____
5. _____
6. _____

Самарқанд - 2011 йил

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

«Банк ва жамғарма ишлари» кафедраси

«Тасдиқлайман»

Кафедра мудири

доц. Ниёзов З.Д.

«___» _____ 2011й.

Битирув малакавий иши бўйича _____ **Банк-молия** хизматлари факультетининг
Банк йўналиши 4 курс талабаси _____ Мухаммадиев Камолиддин га

Топширик

1. Битирув малакавий ишнинг мавзуси _ Банклараро ҳисоб- китобларнинг ташкил этилиши ва ҳисоби масалалари
2. Институт ректори буйруғи билан битирув малакавий иш мавзусининг тасдиқланган санаси ва рақами _____
3. Битирув малакавий иш бўйича бирламчи маълумотлар
4. Битирув малакавий иш режаси ва бажариш муддатлари:

Тартиб рақами	Битирув малакавий иш бўлимлари	Бажарилиш муддатлари
1 боб	Банклараро ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг назарий услубий асослари.	январ - феврал
2 боб	Тижорат банкларида банклараро ҳисоб – китобларни амалга ошириш ва унинг ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.	март - апрел
3 боб	Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали банкларо ҳисоб – китобларни такомиллаштириш имкониятлари.	апрел - Май
4	ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида меҳнат муҳофазаси ва ҳаёт хавфсизлигини таъминланишининг амалдаги ҳолати таҳлили	май - июн
5	Хулоса	- « -
6	Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	- « -

Топширик берилган сана _____

Битирув малакавий ишни топшириш муддати _____

Битирув малакавий иш раҳбари _____

Топширикни олдим _____

Банклараро ҳисоб- китобларнинг ташкил этилиши ва ҳисоби масалалари

(АТБ “Микрокредитбанк» Самарқанд вилоят бўлими мисолида)

Кириш.

1 – боб. Банклараро ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг назарий услубий асослари.

1.1. Нақд пулсиз ҳисоб – китобларнинг назарий – услубий асослари.

1.2. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банклараро ҳисоб-китобларга таъсири ва унинг салби оқибатларини бартараф қилиш йўллари.

2 – боб. Тижорат банкларида банклараро ҳисоб – китобларни амалга ошириш ва унинг ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.

2.1. Тижорат банкларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

2.2. Тижорат банкининг бухгалтерия ҳисоби бўлимида иш кунининг ташкил қилиниши ва банклараро ҳисоб – китобларни амалга оширилиши.

2.3. ОАТБ «Микрокредитбанк»да молиявий ҳисоботларни шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятлари.

3 – боб. Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали банкларо ҳисоб – китобларни такомиллаштириш имкониятлари.

3.1. Банклараро ҳисоб – китоблар тизимида мавжуд муаммолар ва ҳисоб – китобларни такомиллаштириш имкониятлари.

4 – боб. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида меҳнат муҳофазаси ва ҳаёт хавфсизлигини таъминланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.

4.1. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар.

4.2. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида ёнғин хавфсизлигининг таъминланиши.

4.3. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида ходимларга тиббий хизмат кўрсатилиши ҳолати.

Хулоса.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.

Глоссарий.

Кириш

Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистон Республикасида банкларо ҳисоб - китоблардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасида катор муаммоларнинг мавжудлиги ва уларни ҳал қилишга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишнинг зарурлиги ҳамда мамлакатимиз олимлари томонидан ушбу масаланинг алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаганлиги ушбу битирув малакавий иши мавзусининг долзарблигини белгилайди.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Банклараро ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг айрим назарий ва амалий жиҳатлари хорижлик иқтисодчи олимлардан –Д.Полфреман, О.Лаврушин, Н.Соколинская, Г.Панова, В.Усоскин, Х.Дёриг¹ каби олимларнинг илмий ишларида тадқиқ қилинган.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни такомиллаштириш масаласининг айрим жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан – Э.Шодмонов, Ш.Абдуллаева каби олимларнинг илмий ишларида таҳлил қилинган.

Лекин, республика миқёсида банкларо ҳисоб - китоблар амалиётини такомиллаштириш масаласи республикаимиз олимлари томонидан алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида тадқиқ қилинмаган.

Битирув малакавий ишининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Танланган мавзу Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг “Банк ва жамғарма ишлари” кафедраси илмий-тадқиқот ишлари режасига мос келади.

Тадқиқотнинг мақсади бўлиб, Ўзбекистон Республикасида банклараро ҳисоб - китоблар амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш ҳисобланади.

¹ Полфреман Д. Основы банковского дела. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. – 624 с.; Банковское дело. Под. ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 672 с.; Дёриг Х.У. Универсальный банк-банк будущего. Пер. с немецк. – М.: Международные отношения, 2001. – 384 с.

Тадқиқот вазифалари:

- нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг назарий-услубий асосларига хос бўлган хусусиятлар ва умумийликларни аниқлаш;
- банкларда бухгалтерия ҳисоби сиёсатининг асосий жиҳатларини аниқлаш;
- республикамизда банкларо ҳисоб – китоблар амалиётига хос бўлган хусусиятларни аниқлаш;
- республикамизда банклараро ҳисоб - китоблардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Битирув малакавий ишининг тузилиши ва ҳажми. Тадқиқот иши таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва глоссарийдан иборат бўлиб, ____ та жадвал, _____ та расмни ўз ичига олади.

1 – боб. Банкларо ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг назарий услубий асослари.

1.1. Накд пулсиз ҳисоб – китобларнинг назарий – услубий асослари.

Иқтисодий адабиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тушунчасининг мазмуни хусусидаги қарашлар бир-биридан сезиларли даражада фарқланади. А.С.Нешитой, Е.Ф. Жуков, В.П.Поляков ва бошқа яна бир қатор иқтисодчи олимларнинг асарларида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўловларни банклардаги ҳисобрақамлари орқали пул кўчириш йўли билан ҳамда ўзаро талабларни воз кечиш асосида ўтказиш тушунилади. Масалан, Е.Жуковнинг таърифига кўра, “нақд пулсиз ҳисоб-китоблар – бу нақд пуллардан фойдаланмасдан, пул маблағларини кредит муассасаларидаги ҳисобрақамлари бўйича пул кўчириш ва ўзаро талабларни воз кечиш воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблардир”². Келтирилган ушбу таърифдан кўринадики, Е.Жуков нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг икки жиҳатини ажратиб кўрсатади: пул маблағларини кредит муассасаларида очилган ҳисобрақамлари орқали пул маблағларини кўчириш ва ўзаро талабларни воз кечиш. Фикримизча, ушбу таъриф ҳозирга қадар ўзаро талабларни воз кечиш тартиби мавжуд бўлган ўтиш иқтисодиёти мамлакатлари (Россия, Ўзбекистон, Қозоғистон, Украина ва ҳ.к.) амалиёти учун хос. Тараққий этган мамлакатлар амалиётида эса ўзаро талаб ва мажбуриятларни воз кечишга асосланган ҳисоб-китоблар мавжуд эмас. Ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида эса, иқтисодиётнинг пул маблағлари билан таъминланганлик даражаси паст бўлганлиги сабабли хўжалик юритувчи субъектлар ўртасида дебитор-кредитор қарздорлик миқдори катта. Бундай шароитда дебитор-кредитор қарздорлик миқдорини қисқартириш, хўжалик

² Жуков Е.Ф. Общая теория денег и кредита. – М.: Издательское объединение «ЮНИТИ», 1995. – С. 85.

юритувчи субъектларнинг Давлат бюджети олдидаги қарздорлигини камайтириш мақсадида ўзаро талаб ва мажбуриятларни воз кечиш усулидан фойдаланишга мажбур бўлишади. Масалан, Ўзбекистон Республикасида 2009 йилнинг 1 январ ҳолатига монетизация коэффицентининг амалдаги даражаси 18,8 фоизни ташкил қилди³. Халқаро валюта фонди экспертларининг тавсиясига кўра, монетизация коэффицентининг энг паст даражаси 30-33 % бўлиши керак.

Проф О.И.Лаврушин таҳрири остида чоп этилган “Банковское дело” дарслигида нақд пулсиз ҳисоб-китобларга қуйидаги уч шаклда амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар киритилади:

- тўловчилар ва пул маблағларини олувчиларнинг кредит муассасаларида очилган ҳисобрақамларига ёзиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

- ўзаро талабларни воз кечиш йўли билан амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар;

- муомаладаги тўлов инструментлари (векселлар, варрантлар ва ҳ.к.) ни узатиш орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар⁴.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг юқорида келтирилган таърифидан фарқли равишда, О.И. Лаврушин таърифида тўлов инструментлари воситасида амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларга киритилади. Фикримизча, О.И.Лаврушин томонидан берилган таъриф нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг мазмунини тўлароқ очиб беришга хизмат қилади. Бунинг сабаби шундаки, мазкур таърифда биринчидан, ўтиш иқтисодиёти мамлакатларининг хўжалик амалиёти учун хос бўлган ўзаро талабларни воз кечишга асосланган ҳисоб-китоблар ўз ифодасини топган; иккинчидан, банклардаги ҳисобрақамларига ёзиш орқали амалга ошириладиган нақд пулсиз ҳисоб-китоблар эътироф этилган; учинчидан, тўлов инструментлари орқали юзага келадиган нақд пулсиз ҳисоб-

³ Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг ҳисобот маълумотлари. – Тошкент, 2009 й.

⁴ Банковское дело. Под ред. Лаврушина О.И. – М.: ЗАО «КноРус», 2008. – С. 309.

китобларнинг мавжудлиги таъкидланган. Товарлар ва хизматлар бўйича тўловларни амалга оширишда тўлов инструментларининг икки туридан, яъни оддий ва ўтказма тижорат векселларидан кенг фойдаланилади. Шуниси характерлики, тижорат векселлари пулнинг тўлов воситаси функциясини бажара олади. Шу сабабли, нақд пулсиз тўлов айланмасида иштирок этадиган пул маблағларининг маълум қисмининг ўрнини боса олади. Масаланинг иккинчи жиҳати ҳам бор. Ушбу жиҳатнинг мазмуни шундан иборатки, ўтказма тижорат векселлари индоссамент орқали бир неча марта айланиш хусусиятига эга бўлиб, хўжалик субъектлари ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини кескин қисқартириш имконини беради. Демак, оддий ва ўтказма тижорат векселлари муомаласи орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар ҳам нақд пулсиз ҳисоб-китобларга киради.

Иқтисодчи олимлар ўртасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш хусусида хилма-хил қарашлар мавжуд. Масалан, таниқли иқтисодчи олим О.Херши томонидан яратилган “очиқ оферталар” назариясига кўра, аккредитивда кўрсатилган бенефициарга тўланиши ваъда қилинган сумма оферта ҳисобланади ва у акцептлангунга қадар очиқ қолади⁵.

А. Шамраевнинг фикрига кўра, ушбу назарияда аккредитивларнинг чақириб олинмаслик принципи ўз ифодасини топмаган⁶. Бизнинг фикримизча, “очиқ оферталар” назарияси Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимининг ҳозирги ҳолат учун амалий аҳамиятга эга эмас. Чунки республикамызда асосан таъминланган ҳужжатлаштирилган аккредитивлардан фойдаланилмоқда. Бунда бенефициарга тўлов суммасини ваъда қилишга зарурият йўқ. Бунинг сабаби шундаки, таъминланган аккредитивларда тўлов суммаси алоҳида ҳисобрақамида депонент қилинади.

С.Моисеевнинг фикрича, мамлакатда долларлашувнинг жорий этилиши инфляциянинг пасайишига, нақд пулларнинг банклардан ташқари

⁵ Hershey O. Letters of Credit. – Harvard Law Review. – Vol. 32. – P. 1 (1918).

⁶ Шамраев А.В. Регулирование документарного аккредитива в праве США // Деньги и кредит. – Москва, 2001. – №6. – С. 52.

айланмасини кескин қисқартиришга олиб келади⁷. У қатор мамлакатларнинг долларлашувга ўтиш борасидаги тажрибаларидан мисол келтиради ва қуйидаги хулосаларни шакллантиради:

– кичик давлатларда долларлашувга ўтиш, яъни миллий валютани муомаладан олиб, унинг ўрнига АҚШ доллари ва бошқа етакчи валюталардан муомала воситаси сифатида фойдаланиш инфляцияни жиловлаш, пул муомаласини соғломлаштириш, нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини кескин қисқартириш имконини беради;

– норасмий, яъни хуфёна долларлашув солиқдан қочиш, товарларни ноқонуний савдосини амалга ошириш мақсадида қўлланилади ва пул муомаласининг ҳолатини ёмонлашувига олиб келади;

– долларлашув мамлакат Марказий банкига мустақил пул-кредит сиёсатини амалга ошириш имконини бермайди;

– долларлашув валютавий бошқарувга ўтишни тақозо қилади;

– долларлашув натижасида АҚШ Федерал захира тизими катта миқдорда даромад, яъни сенъораж олиш имконига эга бўлади.

Пулларнинг банклардан ташқари айланмаси масаласининг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан А.Вахабов, Д.Ғозибеков, О.Олимжонов, О.Намозов, Т.Маликов, Ш.Шодмонов, Н.Жумаевларнинг илмий изланишларида ўз ифодасини топган⁸.

А.Юров Россия Федерацияси амалиёти мисолида нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини таҳлил қилган ва қуйидаги илмий –амалий таклиф ва тавсияларни ишлаб чиққан⁹:

1. Нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар, яқка тадбиркорлар ва тижорат билан шуғулланадиган жисмоний шахсларнинг нақд пул билан амалга

⁷ Моисеев. С. Доллар шагает по планете//Вопросы экономики. – М., 2003. - №3. – С. 76-90.

⁸ Вахабов А.В., Худякова Н.К. Международные валютно-кредитные и финансовые отношения. В 2-х т. – Ташкент: Университет, 2003. Т.1. С. 53 - 76.

⁹ Юров А.В. Пути развития наличного денежного обращения в Российской Федерации// Деньги и кредит. – Москва, 2008. - №7. – С. 6-10.

ошириладиган операцияларини тартибга солишнинг меъёрий-ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш лозим.

2. Россия Марказий банкининг нақд пулларни эмиссия қилиш харажатларини камайтириш лозим. Бунинг учун, биринчидан, паст номиналли монеталарни муомаладан чиқариб ташлаш лозим; иккинчидан, монеталарга сарфланаётган металл сарфини камайтириш зарур.

А.Юровнинг ҳисоб-китобларига кўра, 1,5 ва 10 номиналга эга бўлган монеталарнинг банк кассаларига қайтиб келиши 3 фоизни ташкил этмоқда. Шунинг учун 1 ва 5 номиналга эга бўлган монеталарни муомалага чиқармаслик мақсадга мувофиқдир.

Академик Е.Жуков таҳрири остида чоп этилган “Деньги, кредит, банки” мавзусидаги дарсликда нақд пулларнинг банклардан ташқари айланмасини қисқартиришда нақд пул тушумларини прогноз қилишни такомиллаштириш, хўжалик юритувчи субъект ва тижорат банки ўртасида нақд пулларни банк кассасига топшириш вақтини аниқлаштириш, нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тизимини такомиллаштириш каби тадбирлардан фойдаланишнинг мақсадга мувофиқлиги эътироф этилган¹⁰.

Хулоса қилиб айтганда, иқтисодий адабиётда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шакллари таснифлаш, улардан фойдаалниш амалиётини такомиллаштириш бўйича хилма-хил қарашлар, фикр ва мулоҳазалар мавжуд.

¹⁰ Деньги, кредит, банки. Учебник. Под ред. Жукова Е.Ф. – М.: ЮНИТИ, 2003. - С. 31-40.

1.2. Тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг ўзига хос хусусиятлари.

“Микрокредитбанк” очик акциядорлик – тижорат банкининг «Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботи сиёсати» Ўзбекистон Республикасининг “Марказий банк тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги, “Банк сири тўғрисида”ги Қонунлари, ва Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ ишлаб чиқилган. Ҳисоб сиёсати молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этиш, операцияларни баланс ҳисобварақларида акс эттириш ҳамда назоратини таъминлашда банк томонидан қабул қилинган аниқ тамойиллар, асослар, шартлар, тартиб ва амалиётлар мажмуасидир.

Бухгалтерия ҳисобининг Халқаро стандартлари (БХХС) дан банк бухгалтерия ҳисобининг асослари сифатида фойдаланилади, БХХС Ўзбекистон Республикасининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларига зид келган жойлари бундан мустасно.

Бухгалтерия ҳисобининг мақсади фойдаланувчиларни ўз вақтида қарорлар қабул қилиш учун зарур бўлган тўлиқ ҳамда аниқ молиявий ва бошқа бухгалтерия ахборотлари билан таъминлашдан иборатдир. Бухгалтерия ҳисобининг мақсади мазкур ҳисобнинг уч асосий хусусиятларини таърифлаш орқали белгиланиши мумкин, булар: хўжалик юритувчи субъектлар ҳақидаги молиявий ахборотни солиштирма тенглаштириш (идентификация); баҳолаш; манфаатдор томонларга беришдан иборат.

Бухгалтерия ҳисобининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборатдир:

а) бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида активларнинг ҳолати ва ҳаракати, мулкӣ ҳуқуқлар ҳамда мажбуриятларнинг ҳолати тўғрисидаги тўлиқ ва аниқ маълумотларни шакллантириш;

б) самарали бошқариш мақсадида бухгалтерия ҳисоби маълумотларини умумлаштириш;

в) молиявий, солиққа доир ва бошқа ҳисоботларни тузиш;

г) қарорлар қабул қилиш учун фойдали бўлган молиявий ҳисоботларни ўз вақтида тайёрлаш ва кенг фойдаланувчилар доирасининг умумий ахборотларга бўлган эҳтиёжларини белгиланган тартибда қондириш.

Халқаро андозаларига мувофиқ Банкда бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишда қуйидаги асосий тамойилларига таянилади:

а) икки ёқлама ёзув усули - бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақларида барча операциялар икки ёқлама ёзув, яъни бир ҳисобварақ дебети бўйича ва бошқа ҳисобварақ кредитида бир хил суммада акс эттирилади;

б) баҳолаш - банк операциялари, активлари ва пасивлари пул ўлчовида ифода этилади;

в) аниқлик - ахборотнинг ҳаққонийлиги, аниқлиги дастлабки бухгалтерия ҳужжатларидан то бухгалтерия баланси ва молиявий ҳисоботнинг бошқа шакллари тақдим этилишига қадар асосий қоида ҳисобланади;

г) ҳисоблаш - хизматлар кўрсатишдан келадиган даромадлар ёки харажатлар, маблағ ўтказилишидан қатъий назар, товарлар етказилган, хизматлар кўрсатилган ҳисобот даврига киритилади.

д) узлуксизлик - барча банк операциялари улар амалга оширилишидан келиб чиққан ҳолда банк фаолиятининг бутун даври учун рўйхатдан ўтказилади;

е) олдиндан кўра билиш (эҳтиёткорлик) - ҳисоботларда активларни баҳолашни ошириб кўрсатиш ва мажбуриятларни камайтириб кўрсатишга йўл қўйилмайди;

ж) мазмуннинг шаклдан устунлиги - ахборот хужжат ва ҳисоботларда операцияларни акс эттирилишида нафақат юридик шаклига, балки уларнинг иқтисодий мазмунига эътибор қаратилади;

з) кўрсаткичларнинг қийёсланувчанлиги - банк фаолияти тўғрисидаги маълумотлар бир неча ҳисобот даврлари маълумотлари билан таққослаб чиқилади;

и) молиявий ҳисоботнинг бетарафлиги – шуни билдирадики, бу нарса четга чиқишлардан холи бўлиши лозим;

к) ҳисобот даври даромад ва харажатларининг мувофиқлиги - ҳисоботда мазкур ҳисобот даврида даромад олиш имкониятини яратган харажатларгина акс эттирилади;

л) активлар ва мажбуриятларнинг ҳақиқий баҳоланиши – активлар ва мажбуриятларни баҳолашнинг асоси уларнинг таннарихидан ёки сотиб олиш қийматидан иборат бўлади.

Молиявий ҳисоботлар бухгалтерия балансини, фойда ва зарарлар ҳамда пул оқимлари ҳақидаги ҳисоботларни, изоҳлар ва графикларни ўз ичига олади.

Бухгалтерия ҳисоби хўжалик юритувчи субъектнинг активлари, ўз сармояси, мажбуриятлари, даромад ва харажатлари тўғрисидаги ахборотларни йиғиш, рўйхатга олиш ва умумлаштириш тизимидир.

Банк бухгалтерия ҳисоби ҳар қандай ҳолда ҳам қуйидагиларни таъминлаши шарт:

а) хўжалик операцияларини назорат қилиш тартибини;

б) бухгалтерия ҳисоби тўлиқ ва аниқ юритилишини;

в) ҳисоб-китоб хужжатларининг сақланишини;

- г) ташқи фойдаланувчилар учун молиявий ҳисобот тайёрланишини;
- д) солиқ ҳисоботлари ва бошқа молиявий ҳужжатлар тайёрланишини;
- е) ҳисоб - китоблар ўз вақтида амалга оширилишини.

Банкнинг бухгалтерия тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқнома ва унга киритилган қўшимчаларга мувофиқ ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини расмийлаштириш, назорат қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини акс эттириш билан шуғулланувчи ходимларни ўз ичига олади. Бош бухгалтер томонидан бухгалтерия тизими бошқарилади ҳамда ходимларининг орасида лавозим мажбуриятлари тақсимланади.

Бухгалтерия ходимларининг иш кунини ташкил этиш шундай ҳисоб-китоб билан белгиланадики, бунда келиб тушаётган ҳисоб-китоб пул ҳужжатларининг ўз вақтида ижроси ва уларни ҳисобварақлар бўйича бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиши кундалик балансни тузиш билан таъминланади. **Операцион кун** бухгалтерия ходимлари томонидан ҳужжатларни қабул қилиш, уларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича акс эттириш даврини ўз ичига олади.

Электрон тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 12 майдаги 10-А/3-сонли қарори билан тасдиқланган **"Ўзбекистон Республикаси банклари ўртасида электрон тўловлар тизими бўйича ҳисоб-китоблар юритиш тўғрисида"** ги Низом (янги таҳрири) ҳамда унга киритиладиган ўзгартиришлардан келиб чиқиб амалга оширилади.

"Микрокредитбанк" ОАТБ филиалларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 2004 йил 17 июлдаги 15/3-сонли Қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари

режаси»га мувофиқ юритилади. Барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида»ги 1834-сонли Йўриқномага асосан миллий валютада, шунингдек хорижий валютада ҳамда миллий валютадаги эквивалентида ҳам юритилади. Амалга оширилаётган барча операциялар Бош ва ёрдамчи китобларда ҳисобга олинади.

Бош китоб – бу, банкнинг молиявий ҳисоботларида (баланс ҳисоботи, даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот ҳамда бошқалар) кўрсатиладиган ҳисобварақлар гуруҳидир, яъни бош китобдаги ҳисобварақлар умумий маълумотни акс эттиради, лекин батафсил маълумот билан таъминламайди. Бош китоб ҳисобварақлари қўшимча дафтар ҳисобварақларига нисбатан назорат ҳисобварақлари вазифасини бажаради.

Ёрдамчи китоб - ҳар бир бухгалтерия объектлари ва субъектлари учун очилган шахсий ҳисобварақлар, карточкалар, дафтарлар ҳамда журналлардан иборат бўлиб, дастлабки хужжатларга таянади.

Бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари балансга нисбатан баланс ҳамда кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларига бўлинади. Баланс ҳисобварақлари актив, пассив, контр-актив ва контр-пассив ҳисобварақларга бўлинади.

Хорижий валютадаги операциялар бўйича, ҳар бир валюта тури юзасидан алоҳида бош ва ёрдамчи китоблар юритилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақларида амалга оширилган операцияларнинг тўғрилигини қўшимча назорат қилиш мақсадида контр-ҳисобварақлар юритилади. Кўп валютали бухгалтерия ҳисоби тизимида асосий воситалар, даромад ва харажатлар ҳисоби миллий валютада юритилади ҳамда акс эттирилади.

Банк операциялари Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган тўлов хужжатлари асосида амалга оширилади.

Банк хужжатлари ўзида операцияларни акс эттиришига қараб қуйидагиларга бўлинади:

- а) касса хужжатлари;
- б) ҳисоб-китоб хужжатлари;
- в) мемориал хужжатлар (ордерлар);
- г) кўзда тутилмаган ҳолатлар кирим-чиқим ордерлари.

Касса хужжатлари - ушбуларга нақд пулларни топшириш эълонномаси, чеклар, чиқим ва кирим касса ордерлари киради. Ушбу хужжатларнинг вазифаси сўмда, шунингдек хорижий валютада нақд пулларни қабул қилиш ва беришдан иборат.

ҳисоб-китоб хужжатлари - буларга тўлов талабномалари, тўлов топшириқномалари, инкассо топшириқномалари, ҳисоб-китоб чеклари, аккредитив учун аризалар киради.

Шунингдек, ҳисоб-китоблар пластик карточкалар орқали ҳам амалга оширилиши мумкин.

Мазкур хужжатлардан таъминотчилар томонидан махсулотлар, бажарилган ишлар, кўрсатилган хизматлар юзасидан тўловларни ундириш ёки бюджет, бюджетдан ташқари жамғармалар ва бошқа кредиторлар олдидаги мажбуриятларни тўлаш учун фойдаланилади.

Мемориал хужжатлар (ордерлар) – банк томонидан амалга ошириладиган ички банк операциялари, яъни ҳисобланган фоизлар, асосий воситаларни келиб тушиши, ҳисобдан чиқарилиши, эскириш ҳисобланиши, иш хақи ва унга нисбатан ҳисобланган турли чегирмалар бўйича тўловларни амалга оширишда, олинган даромадлар ҳамда фойдани ҳисоб-китоб қилиш билан боғлиқ бўлган бухгалтерия ўтказмалари, мижозларнинг 2-сонли картотекасидаги 90963 «Муддатида тўланмаган тўлов хужжатлари» ҳисобварақларидаги муддатида тўланмаган тўлов хужжатларидан қисман тўловларни ўтказиш ва фуқароларнинг ёзма топшириқлари юзасидан

тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишлари билан боғлиқ бўлмаган пул маблағларини нақд пулсиз ўтказишда фойдаланилади.

Кўзда тутилмаган ҳолатлар кирим ва чиқим ҳужжатлари (ордерлари) - кафолатлар, кафилликлар, кредитлар бўйича таъминот турлари, аккредитивлар, лизинг ва факторинг операциялари, қатъий ҳисобда турувчи бланкалар ҳамда бошқа ҳисобварақлар юзасидан ҳисоб-китобларда фойдаланилади.

Дастлабки бухгалтерия ахбороти компьютер техникасида қайта ишлаб чиқилади ва дастурий йўл орқали жамланади. Натижада бухгалтерия ходимлари керакли бўлган тахлилий характердаги барча зарурий шакллар (шахсий ҳисоб-варақлар) ва асосий дафтарнинг барча шакллари (баланс, тўлов қайдномаси, касса журналлари)ни оладилар.

Юқоридаги ҳисоб-китоб пул тўлов ҳужжатларини расмийлаштиришда имзолар масъул шахсларнинг ўз қўли билан қўйилган бўлиши шарт. Барча ҳисоб-китоб пул ҳужжатларида имзо намунаси туширилган штампларни (факсимиле) қўйиш таъқиқланади.

Бухгалтерия ахбороти сирини ташкил этувчи маълумотлар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Банк сирини тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ белгиланади. Бухгалтерия ҳисобини юритишда махфийликка риоя қилинади. Бухгалтерия ҳисоби регистрларининг мазмуни билан танишишга Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда банк маъмуриятининг рухсати билан йўл қўйилади. Бухгалтерия ҳисоби регистрлари билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт. Ички маълумотлар билан танишишга рухсат этилган шахслар уларнинг махфийлигини сақлашлари лозим.

Ўз мажбуриятларини бажариш жараёнида бухгалтерия ҳисоби маълумотлари билан танишувчи аудиторлар, солиқ назоратчилари ва бошқа шахслар Қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳоллардан ташқари, уларнинг махфийлигини сақлашлари шарт.

Банк сирига мансуб деб топилган маълумотларни ошкор этган ҳодим Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Қонунчилигига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

1.3. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг банклараро ҳисоб-китобларга таъсири ва унинг салби оқибатларини бартараф қилиш йўллари.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг келиб чиқиш сабаблари ва банк-молия тизимига таъсири Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” асарида аниқ далилларга таянилган ҳолда асослаб берилган. И.А.Каримовнинг хулосасига кўра, глобал молиявий инқироз АҚШнинг ипотекали кредитлаш тизимида рўй берган танглик ҳолатидан бошланди. Кейинчалик эса, бу жараённинг миқёси кенгайиб, йирик банклар ва молиявий тузилмаларнинг ликвидлилиги, яъни тўлов қобилияти заифлашиб, молиявий инқирозга айланиб кетди¹¹.

Тараққий этган мамлакатларда ва кўпчилик ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини йўқотиб

¹¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 4.

кўйиши улар орқали ўтадиган нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш имконини беради. Бу эса, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг муҳим принципи – тижорат банкининг етарли даражада ликвидли бўлиши принципининг бузилганлигидан далолат беради. Ликвидлиликни таъминлаш масаласининг принцип даражасига кўтарилганлиги нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш масаласини банклар ва тўловни амалга оширувчи корхоналарнинг ликвидлигини таъминлаш масаласи билан узвий боғлиқликда тадқиқ қилиш заруриятини юзага келтиради.

Тараққий этган мамлакатларда ва қатор ўтиш иқтисодиёти мамлакатларида жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида тижорат банкларининг ликвидлигини таъминлаш мақсадида қуйидаги усуллардан фойдаланилди:

1. Марказий банкларнинг ломбард ва очик бозор операциялари объектларининг сони оширилди.

ЕМБ 2008 йилдан бошлаб банк секторининг ликвидлигини ошириш мақсадида активлар билан таъминланган облигациялар ва корпорацияларнинг акцияларини ломбард кредитлари учун гаров сифатида қабул қилишини маълум қилди.

Англия Марказий банки 2007 йилнинг сентябр ойидан бошлаб корпоратив облигациялар, шу жумладан, ипотека облигациялари билан РЕПО операцияларини амалга ошира бошлади.

2. Марказий банкнинг қайта молиялаш кредитларининг муддати узайтирилди.

2008 йил 16 октябрдан бошлаб ЕМБ тижорат банкларига 6 ойгача муддатга марказлашган кредитлар олиш имконини берди. Россия банкларига 2020 йилгача муддатга Марказий банк томонидан 500 млрд. рубл миқдорида субординар кредитлар берилди¹².

¹² Моисеев С. Политика поддержания финансовой стабильности // Вопросы экономики. – С. 55.

3. Ҳукумат томонидан компаниялар ва банкларнинг акцияларини сотиб олиш йўли билан уларнинг капиталлашиш даражаси оширилди.

Россияда компаниялар ва банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш мақсадида ҳукумат томонидан 2007-2008 йилларда 185 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар ажратилди. Ушбу кўрсаткич мазкур давр мобайнида АҚШда 714 млрд. долларни, Германияда 177 млрд. долларни ташкил қилди.

4. Ҳукуматлар томонидан компаниялар ва банкларнинг молиявий мажбуриятларининг кафолатланиши.

Ана шу мақсадларга АҚШ ҳукумати томонидан 1769 млрд. АҚШ доллари, Германия ҳукумати томонидан 539 млн. АҚШ доллари, Япоиния ҳукумати томонидан 303 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфланди.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов ушбу асарида Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг ликвидлилиги ва тўловга қобиллигига нисбатан глобал молиявий инқирознинг таъсирини юмшатиш имконини берадиган шарт-шароитларнинг мавжудлигини эътироф этганлар. Бу борадаги асосий шарт-шароитлар сифатида қуйидагилар эътироф этилган:

1. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг активлари ва депозитлари ўртасидаги оптимал нисбатни шакллантирилганлиги.

Мамлакатимиз Президенти томонидан келтирилган ҳисоб-китобларга кўра, республикаимиз тижорат банклари активлари миқдори, “Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида”ги қонунга мувофиқ, шаклланган захираларни ҳисобга олган ҳолда, 13 триллион 360 миллиард сўмдан ошади. Бу аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг жалб қилинган депозитлари ҳажмидан тахминан 2,4 баробар кўп демакдир¹³.

2. Мамлакатимиз банк тизими жорий ликвидлилигининг талаб даражасида эканлиги.

¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б.8.

Республикамиз банк тизимининг жорий ликвидлилиги 1,5 млрд. АҚШ долларида ортиқ бўлиб, ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўп демакдир.

3. Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг капитал базасини етарли эканлиги.

Мамлакатимиз тижорат банклари капиталининг етарлилик даражаси Банк назорати бўйича халқаро Базель қўмитаси талаблари асосида белгиланган халқаро стандартлардан қарийб уч баробар кўп, яъни 24 фоиздан юқоридир.

Маълумки, Халқаро ҳисоб-китоблар банкининг маълумотларига кўра, дунёнинг 150 дан ортиқ мамлакатда, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасида тижорат банклари фаолиятини назорат қилиш бўйича халқаро Базель стандарти қабул қилинган. Ушбу стандартга кўра тижорат банки регулятив капиталининг етарлилигига нисбатан белгиланган минимал талаб банк активларининг рискка тортилган суммасига нисбатан 8 % қилиб белгиланган. Агар тижорат банкида регулятив капиталнинг етарлилик коэффициенти амалда 8 фоиздан паст бўлса, у ҳолда, ушбу банкнинг баланси ноликвид ҳисобланади.

4. Республикамиз тижорат банкларидаги аҳоли омонатларини давлат томонидан 100 % қафолатланганлиги.

Аҳолининг банклардаги омонатларини давлат томонидан тўлиқ қафолатланганлиги унинг банк тизимида бўлган ишончини оширишга хизмат қилади. Натижада банклардаги аҳоли омонатлари қолдиғининг ўсиш тенденциясини таъминлаш имкони юзага келади.

Тараққий этган мамлакатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози тижорат банкларининг ликвидлилигига жиддий путур етказди ва ҳатто банкларнинг банкрот бўлишига олиб келди. Бунинг асосий сабаби бўлиб, банклар томонидан берилган кредитларнинг қайтмаслиги ҳисобланади. Кредитларнинг қайтмаслиги оқибатида тижорат банкларида ликвидлилик муаммоси чуқурлашди, банклар фаолиятининг зарар билан якунланиши эса,

уларнинг капитал базасини мустаҳкамлаш имконини бермади. Масалан, Швейцариянинг энг йирик халқаро банкларидан бири **UBS** банки 2007 – 2008 йилларда ҳаммаси бўлиб 37,4 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги муаммоли активларни балансдан чиқарди. Умуман молия институтлари 2007 йилнинг ноябр ойидан бошлаб ҳаммаси бўлиб 150 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги муаммоли активларни балансларидан чиқардилар¹⁴.

Европа ва АҚШдаги бир қатор банклар оғир муаммоларни бошдан кечирди. Сотилиши ёки миллийлаштирилиши кўндаланг қўйилган банклар ва молия муассасалари сирасига Бельгияда Fortis, АҚШда Merrill Lynch ва AIG, шунингдек, Германияда Hypo Real Estatени киритиш мумкин. Хусусан, Merrill Lynch – АҚШ нинг энг йирик брокерлик фирмаси Bank of Americaга 50 млрд. АҚШ долларига сотилди. Шунингдек, АҚШнинг йирик суғурта компанияси AIGнинг ҳолати ёмонлашгач, уни қутқариш чоралари кўрилди, хусусан, ФЗТ 85 млрд. АҚШ доллари миқдорида уч ойлик Libor плюс 0,85 фоиз ставкасида ссуда ажратган бўлса, АҚШ ҳукумати компаниянинг 79,9 фоиз улушини сотиб олди. Ҳукуматнинг навбатдан ташқари бундай аралашуви фавқулодда зарур эди.

Кейинчалик Bear Stearns қисқа муддатли молиялаштириш манбаларини топа олмагач, таназзулга учради ва JPMorgan Chase томонидан сотиб олинди. Қайд этиш жоизки, JPMorgan Bear Stearns учун 230 млн. АҚШ долларида ортиқ маблағ тўлаган. Ваҳоланки ипотека секьюритизация активлари 2007 йилнинг 30 ноябрь ҳолатига 30,3 млрд. АҚШ доллари миқдорида баҳоланган эди.

Жаҳон молиявий инқирозига жавобан АҚШ да Полсон режаси ишлаб чиқилди. Полсон режаси АҚШ ФЗТ дан банкларга 700 млрд. АҚШ доллари миқдорида кредитлар ажратилишини кўзда тутди. Ушбу режадаги бош ғоя бўлиб Ғазначилик томонидан жорий ноликвид активларни харид қилиниши ётади. Бундан мақсад банкларни уларнинг балансида осилиб турган ёмон активлардан халос этиш ва ушбу активларнинг реал қиймати борасидаги

¹⁴ Lenta.ru: Финансы: 2009/04/01.

ноаниқликларни бартараф этиш эди. Режанинг қай йосинда ижро этилиши узоқ муддат номалумлигича қолди. Бу борада муҳим масалаларда активларнинг қандай сотиб олиниши эди. Бундан ташқари режадаги асосий ҳолатлар сифатида бизнес ва аҳолига солиқ имтиёзларини бериш ва энергетика соҳасида махсус раҳбатлантириш чораларини кўриш кабиларни эътироф этиш мумкин. Полсон режасининг танқидчилари фикрича, банклар ва бошқа молия институтларидан муаммовий активларни сотиб олиш учун махсус хеджирлаш фондини ташкил этиш лозим, зеро бу фонд банкларнинг зарарларини суғурталаш билан шуғулланади.

Умуман бу режанинг оқибатлари Европа учун ижобий бўлиши мумкин. Фикримизча, режанинг зудлик билан амалга оширилиши бозорга нисбатан босимни пасайтирибгина қолмай, банклар ўртасидаги ўзаро ишончини тиклашга ҳам хизмат қилади.

Хозирги кунда АҚШ ҳукумати томонидан АҚШ молия бозорларини таназзулдан қутқариш мақсадида сарфланган молиявий маблағлар қарийб 1 трлн. АҚШ доллари миқдорида баҳоланмоқда. Бошқача айтганда, дастлабки 700 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги ҳукумат хажми оширилиб, банкларнинг капиталлашув даражасини ошириш банкларнинг 3 йилгача бўлган янги қарз мажбуриятлари юзасидан федерал кафолатлар бериш кабиларга йўналтирилиши мўлжалланди.

Молиявий инқирозни чуқурлашишини олидини олиш мақсадида Буюк Британия банк тизимининг бир қисмини миллийлаштирди ва келгусида банклараро кредитлар бозирини раҳбатлантиришни режалаштирган. Масалан ҳозирги кунда Royal Bank of Scotland ва Lloyds банклари акцияларининг 50% дан ортиғига Англия банки эгалик қилмоқда, бундан ташқари Англия банки йирик молиявий институтларни раҳбатлантириш йўлида 87 млрд. АҚШ доллари молиявий маблағларни сафарбар қилди.

Евроҳудуди мамлакатлари ҳам ҳар бир мамлакат капиталлашув даражаси паст бўлган банкларнинг имтиёзли акцияларни сотиб олиш ва уларга қисқа муддатли молиялаштириш муаммоларига кўмаклашиш

мақсадида турли миқдордаги пул маблағларини ажратишларига қарамай, Британия моделига эргашган ҳолда ҳаракат қилмоқдалар.

Банк тизимидаги миллийлик муаммоларини бартараф этиш мақсадида дунёнинг ривожланган саноат мамлакатлари марказий банклари қайта молиялаш ставкаларини пасайтиришга ҳаракат қилмоқдалар.

АҚШда ФЗТ банк тизимидаги ликвидлилик муаммоларини юмшатиш мақсадида дисконт ставкаси ва федерал фондлар ставкаларини пасайтириш йўлидан борди.

АҚШда энг йирик ипотека агентликлари бўлган **Fannie Mae** ва **Freddie Mac** ларнинг ипотека кредитлари бўйича зарарлари суммасининг кескин ошганлиги мазкур компанияларнинг банкротга учраш хавфини юзага келтирди. Бунинг жиддий салбий оқибатларига барҳам бериш мақсадида АҚШ ҳукумати ушбу компанияларни миллийлаштиришга қарор қилди. Чунки уларнинг банкрот бўлиши ипотека бозорида битим иштирокчиларининг жиддий молиявий йўқотишларининг юзага келишига олиб келар эди. Бунинг сабаби шундаки, **Fannie Mae** ва **Freddie Mac** АҚШ ипотека бозорининг ярмини назорат қилади. Шунинг учун ҳам АҚШ ҳукумати мазкур компанияларни миллийлаштирди ва бунинг учун 200 млрд. доллар уларнинг устав капиталига қўйди¹⁵.

2008 йилнинг март ойида АҚШ ФЗТ мамлакатнинг йирик инвестицион банки бўлган **Bear Stearns** ни банкрот бўлишдан сақлаб қолди. Яъни, ФЗТ JP Morgan банкига **Bear Stearns** ни сотиб олиш учун 30 млрд. доллар миқдорида кредит берди.

2008 йил сентябр ойида ипотека инқироzi янада чуқурлашди. 15 сентябр куни йирик инвестицион банклардан бири бўлган **Lehman Brothers** банкротлик тўғрисида ариза берди. Орадан икки кун ўтиб АҚШнинг энг йирик суғурта компанияси **AIG** ни банкрот бўлиш эҳтимоли эълон қилинди. АҚШ ҳукумати активлари миқдори 1 трлн. доллардан ортиқ бўлган ушбу

¹⁵ <http://Lenta.ru/articles/2008/09/22/crisis>

улкан суғурта компаниясини қутқармаслик мамлакат иқтисодиётига жиддий зиён етказиши мумкинлигини англаб етди.

2008 йилнинг сентябр ойининг охирига келиб **LIBOR** нинг даражаси икки мартага кўтарилди. Бу эса, ипотека кредитлари хажмининг янада қисқаришига олиб келади.

АҚШ Молия вазири Г.Польсон ипотека инқирози туфайли юзага келган инқироз натижасида зарар кўрган молия компанияларига ёрдам бериш мақсадида молия компанияларидан ноликвид активларни сотиб олиш билан шуғуллланувчи давлат агентлигини тузишни таклиф қилди. Унинг фикрига кўра, Агентликнинг фаолияти тижорат банклари ва бошқа молия компанияларининг балансидаги ноликвид активларнинг, биринчи навбатда, муддати ўтган ипотека кредитлари миқдорининг камайишига олиб келади. Бунинг натижасида банкларнинг кредитлаш имконияти ошади ва ушбу ҳолат иқтисодий ўсиш суръатларига ижобий таъсир кўрсатади.

Шуниси аҳамиятлики, ипотека инқирози нафақат АҚШни, балки Европадаги қатор мамлакатларни ҳам қамраб олди. Жумладан, Буюк Британиянинг 150 йиллик тарихга эга бўлган **Bradford & Bingley** банки тарихида биринчи марта 2008 йилнинг июл ойида соф зарар билан ишлаётганлигини ва бунинг сабаби ипотека инқирози эканлигини тан олди¹⁶. Ҳозирги даврда ушбу банкнинг 20 млрд. доллар миқдоридаги активларини Испаниянинг **Banco Santander** банки сотиб олди, қолган активлари Буюк Британия ҳукуматининг мулкига айланди. Ушбу миллийлаштириш ипотека инқирози бошлангандан буён амалга оширилган иккинчи миллийлаштиришдир. Бундан олдин 2007 йил сентябрда ҳукуматга ёрдам сўраб мамлакатнинг бешинчи ўринда турувчи ипотека банки – **Northern Rock** банки ёрдам сўраб мурожаат қилди. Чунки ушбу банкни сотиб олувчи талабгор банк топилмади. Натижада банк давлат корпорациясига айлантирилди ва унга 27 млрд. фунт стерлинг миқдорида кредит берилди.

¹⁶ [http:// Lenta.ru/ articles/2008/09/29/banks](http://Lenta.ru/articles/2008/09/29/banks)

Европанинг бошқа мамлакатларида, шу жумладан, Бельгия, Голландия ва Люксембургда ҳам ипотека инқирози миллий банк тизимининг ривожига кучли салбий таъсир кўрсатди. Жумладан, **Fortis** банк гуруҳи ипотека инқирози таъсирида банкрот бўлиш ёқасига келиб қолди. Пировард натижада Голландия, Бельгия ва Люксембург ҳукуматларининг ҳар бири **Fortis** нинг ўша мамлакатлардаги филиалларининг 49% акциясини сотиб олиш орқали ушбу банкни банкрот бўлишдан сақлаб қолишди. Банкка қайд этилган мамлакатларнинг ҳукуматлари томонидан берилган молиявий ёрдамнинг умумий миқдори 1,2 млрд. еврони ташкил қилди¹⁷.

Европада ипотека инқирозининг салбий оқибатларини биринчилардан бўлиб ҳис қилган давлат Исландия бўлди. Инқироз таъсирида мамлакатнинг энг йирик ипотека банки бўлган **Glitnir** банки банкротлик ёқасига келиб қолди. Агар **Glitnir** банк банкрот бўлганида эди, Исландия ипотека бозори иштирокчилари йирик миқдордаги молиявий йўқотишларга дучор бўлар эдилар. Ана шуларни ҳисобга олган Исландия ҳукумати **Glitnir** банк акцияларининг 75 фоизини 600 млн. еврога сотиб олди.

Германияда ҳам ипотека инқирозининг чуқурлашганлигига гувоҳ бўлишимиз мумкин. Германиянинг энг йирик ипотека банкларидан бири **Hypo Real Estate** ипотека инқирози туфайли банкротлик ёқасига келиб қолди. Уни банкрот бўлишига йўл қўймаслик учун давлат 35 млрд. доллар миқдорида кредит берди.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, дунёнинг кўпчилиги мамлакатларида глобал молиявий инқирознинг оқибатларини бартараф этишга йўналтирилган маблағларнинг асосий қисми банк-молия тизимига йўналтирилди. Масалан, Россия ҳукумати томонидан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини бартараф этиш мақсадида йўналтирилган маблағларнинг катта қисми, аниқроғи 1 трлн. 500 млрд. рубли банк тизимига йўналтирилган. Бунинг сабаби шундаки, глобал молия инқирози Россия

¹⁷ <http://Lenta.ru/articles/2008/09/29/banks>

тижорат банкларининг ликвидлилик ва тўловга қобиллик даражасининг кескин пасайишига сабаб бўлди. Бунинг натижасида кўплаб банклар банкрот бўлишди, қолганлари ҳам ликвидлилик муаммоси туфайли тўловларни ўтказишга олмади қилишди. Шу сабабли, Россия банк тизимининг ликвидлиги ва тўловга қобиллигини таъминлаш мақсадига катта маблағ йўналтирилди.

Россия компанияларининг қисқа муддатли қарзларининг умумий ҳажми 2008 йил 1 июлда \$336 млрд долларни ташкил этди. Россия ҳукумати компанияларнинг қарзларини камайтириш, уларнинг капиталлашиш даражасини оширишга йирик миқдорда маблағ сарфлашга мажбур бўлишди. Масалан, Россия ҳукумати томонидан реал сектор корхоналарининг акциялари ва облигацияларини сотиб олишга 175 млрд. рубль миқдориди маблағ сарфланди.

Фикримизча, тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича Россия тажрибаси уникал тажриба бўлиб, дунё амалиётида ўхшаши йўқ. Яъни, Россияда биринчи марта тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини ошириш бўйича субординар кредитлар берилди. Ушбу субординар кредитлар 2020 йилгача муддатга йиллик 8 % ставкада 950 млрд. рубль миқдориди берилди. Унинг 500 млрд. рубли Марказий банк томонидан, 450 млрд. рубли эса, Миллий фаровонлик фонди маблағлари ҳисобидан берилди¹⁸. Субординар кредитлар 2020 йилга қадар қайтариб олинмайди. Бу эса, уларнинг барқарорлик даражасини оширади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг капиталлашиш даражасини оширишни давлат томонидан молиявий қўллаб-қувватлаш усулидан кенг фойдаланилди. Мамлакатимизнинг йирик тизимли банкларида янги акциялар чиқаришга рухсат этилиб, улар давлат ва Марказий банк томонидан сотиб олинди.

1.1-жадвал

¹⁸ Кувшинова О, Письменная Е, Шпигель А, Панов А. Две трети бюджета // Ведомости. 199, 2008.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан банклар устав
капиталини ошириш бўйича ажратилган маблағлар динамикаси¹⁹**

№	Банк номи	Эълон қилинган устав капитали , млрд. сўм	Қўшимча акциялар эмиссияси ва жойлаштирилиши					
			Жам и	Шу жумладан				
				200 8	200 9	201 0	201 1	201 2
1	Халқ банки	200	120	20	30	30	20	20
2	Асакабанк	300	147	100	48	—	—	—
3	Саноатқурилишбанк и	100	65	63	2	—	—	—
4	Микрокредитбанк	150	72	54	18	—	—	—
5	Пахтабанк	100	50	22	28	—	—	—
6	Ғаллабанк	50	36	13	23	—	—	—
Жами		491	272	149	30	30	20	20

Изоҳ: Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1083-сонли Фармони билан Ғаллабанк базасида Қишлоқ қурилиш банк ва 2009 йил 30 мартдаги ПФ-1084-сонли Фармони билан Пахтабанк базасида Агробанк ташкил қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 13 августдаги ПҚ-944 сонли “Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат қурилиш банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 13 ноябрдаги ПҚ-998-сонли “Асака” давлат-акциядорлик тижорат банкининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги, 2008 йил 16 октябрдаги ПҚ-986-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашувини янада

¹⁹ Жадвал Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг маълумотлари асосида муаллиф томонидан шакллантирилди.

кўпайтириш ва инвестицион фаоллигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2008 йил 11 январдаги ПҚ-775-сонли “Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банкининг капиталлашув даражасини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 2008 йил 8 октябрдаги ПҚ-975-сонли “Пахта-банк” ва “Ғалла-банк” акциядорлик-тижорат банкларининг инвестициявий фаоллигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорларига мувофиқ:

- “Ўзсаноатқурилишбанк” нинг акциядорлари томонидан умумий қиймати 65,4 млрд.сўм миқдоридаги қўшимча акциядорларни эмиссия қилиш асосида банкнинг устав капиталини 100 млрд. сўмга етказиш;

- “Пахта-банк” акциядорлик-тижорат банки-банкнинг устав капитални миқдорини 100 млрд.сўмга етказиш ҳамда жами 50 млрд.сўмлик, “Ғалла-банк” акциядорлик тижорат-банк-банкнинг устав капитални миқдорини 50 млрд.сўмга етказиш ҳолда жами 36 млрд.сўмлик қўшимча акцияларни эмиссия қилиш;

- Давлат- тижорат Халқ банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008 йилда банкнинг устав капиталини 100 млрд.сўмга етказиш;

- “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банки акциялари, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банкининг 2008-2009 йилларда “Микрокредитбанк” акциядорлик банкининг устав капиталини 72 млрд.сўмга кўпайтириб, унинг умумий миқдорини 150 млрд.сўмга етказиш;

- “Асака” Давлат-акциядорлик тижорат банки акциядорларининг умумий йиғилиши томонидан 2008-2009 йилларда банкнинг устав капитални миқдорини қўшимча 147,1 млрд. сўмга оширган ҳолда унинг жами миқдорини эквивалентда 300 млрд.сўмга етказиш хусусидаги таклифлар қабул қилинди.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида республикада тижорат банклари активларининг даромадлилиги ва ликвидлилигини янада ошириш мақсадида, фикримизча, Ўзбекистон Республикаси Тиклаш ва

тараққиёт жамғармасининг маблағлари ҳисобидан мамлакатимиз тижорат банкларини қайта молиялаш кредитлари ҳажмини ошириш лозим. Қайта молиялаш кредитлари Марказий банк орқали берилиши зарур. Фикримизча, қайта молиялаш кредитлари камида 1 йил муддатга берилиши лозим. Ана шундагина қайта молиялаш кредитларининг тижорат банкларининг жорий ликвидлилигини таъминлашдаги роли ошади.

Ўзбекистон Республикасида тижорат банкларининг ликвидлилигини оширишда асосан банкларнинг капиталлашиш даражасини ошириш усулидан фойдаланилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан тижорат банкларининг устав капиталини ошириш мақсадида 272 млрд. АҚШ доллари миқдорида пул маблағлари ажратилди. Шундан 272 млрд. сўми банкларнинг устав капиталига 2008 йилда йўналтирилди, 30 млрд. сўми 2009 йилда, қолган қисми эса, 2013 йилга қадар йўналтирилади²⁰.

Шуни эътироф этиш жоизки, республикаимиз тижорат банкларининг ликвидлилик даражаси ҳозирги даврда халқаро банк амалиётида ликвидлилик бўйича белгиланган талабларга жавоб беради. Хусусан, “республикаимиз банк тизимининг умумий жорий ликвидлиги доллар ҳисобида 1,5 миллиард доллардан ортиқдир. Бу ташқи нодавлат қарзлар бўйича тўланиши керак бўлган тўловлар ҳажмидан 10 баробар кўпдир. Бу эса, бизда ликвидлик, яъни тўловга қодирлик даражаси бўйича муаммо йўқ, деб айтиш учун асос беради”²¹.

Шуни алоҳида эътироф этиш жоизки, республикаимизда нақд пулсиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштиришга тўсқинлик қилувчи қатор омиллар мавжуд. Ана шундай омиллар сифатида, фикримизча, қуйидагиларни эътироф этиш мақсадга мувофиқдир:

1. Глобал молия инқирози маҳсулотларини экспорт қилаётган Ўзбекистон корхоналари ва уларнинг ҳамкорлари фаолиятига нисбатан салбий таъсир этиши натижасида уларнинг жорий ликвидлилик даражаси

²⁰ www. cbu. uz сайти маълумотлари.

²¹ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 29.

пасайиши мумкин. Бунинг натижасида тўловларнинг узлуксизлигини таъминлашда муаммолар юзага келади. Бунинг сабаби шундаки, нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ташкил қилишнинг асосий принципларидан бири тўловчининг етарли даражада ликвидли бўлиши ҳисобланади.

Мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг Ўзбекистон иқтисодиётига нисбатан салбий таъсирининг мавжудлиги хусусида тўхталар эканлар, шундай дедилар: “Жаҳон бозорида талабнинг пасайиб бориши оқибатида Ўзбекистон экспорт қиладиган қимматбаҳо ва рангли металллар, пахта, уран, нефть маҳсулотлари, минерал ўғитлар ва бошқа маҳсулотларнинг нархи тушиб бормоқда. Бу эса ўз навбатида, хўжалик юритувчи субъектлар ва инвесторларнинг экспортдан оладиган тушумлари камайишига олиб келади. Уларнинг фойда кўришига ва ишлаб чиқариш рентабеллигига, охир-оқибатда эса макроиқтисодий кўрсаткичларимизнинг ўсиш суръатлари ва иқтисодиётимизнинг бошқа томонларига салбий таъсир этади”²².

2. Республикаимизнинг хўжалик амалиётида тўлов талабномаларидан нақд пулсиз ҳисоб-китоблар жараёнида фойдаланилаётганлиги хўжалик юритувчи субъектлар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик ҳажмини маълум даражада оширишга хизмат қилмоқда.

Тўлов талабномаларидан фойдаланиш зарурияти товарларни тўлов амалга оширилмасдан туриб етказиб бериш амалиётининг мавжудлиги билан изоҳланади.

3. Тўловларни амалга оширишнинг мақсадли кетма-кетлигининг қўлланилаётганлиги.

Бунинг натижасида давлат бюджети олдидаги қарздорликни тўлашга устуворлик берилади. Бундай шароитда солиқ инспекцияларига солиқлар бўйича аванс тўловлари ундириш ҳуқуқининг берилганлиги, хўжалик юритувчи субъектларнинг кейинги давр учун солиқ тўловларини ундириш

²² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2009. – Б. 12.

ҳолатларининг мавжудлиги корхоналар ўртасидаги дебитор-кредитор қарздорлик миқдорининг ортишига хизмат қилмоқда.

Фикримизча, юқорида қайд этилган муаммоларни ҳал қилиш қуйидаги тадбирларнинг амалга оширилишини тақозо этади:

1. Нақд пулсиз ҳисоб-китобларнинг узлуксизлигини таъминлаш ва ҳажмини ошириш мақсадида хўжалик юритувчи субъектлар ўзларининг жорий ликвидлилигига нисбатан талабни кучайтиришлари лозим.

Халқаро таъмирлаш ва тараққиёт банки экспертларининг тавсиясига кўра, компаниялар жорий ликвидлилик коэффицентининг минимал даражаси 1,25 га тенг бўлиши керак.

Хўжалик юритувчи субъектлар – юридик шахсларнинг жорий ликвидлилигини аниқлашда халқаро банк амалиётида жорий ликвидлилик коэффицентидан фойдаланилади. Ушбу коэффицент жорий активларни жорий пасивларга бўлиш йўли билан аниқланади. Бунда жорий активларга корхонага тегишли пул маблағлари, дебитор қарздорлик суммаси, товар захиралари ва юқори ликвидли қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар киради. Жорий пасивларга эса, корхонанинг кредитор қарздорлиги, банк кредитлари бўйича қарздорлиги, бюджет олдидаги мажбуриятлари, чиқарилган қимматли қоғозлар бўйича қарздорлиги, шўъба корхоналари олдидаги қарздорлиги ва меҳнат ҳақи бўйича ходимлар олдидаги қарздорлиги киради.

2. Тўлов талабномалари воситасида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни амалга ошириш амалиётига чек қўйиш лозим. Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, тўлов талабномаси бозор муносабатлари табиатига мос келмайди; иккинчидан, пули тўланмасдан олинган товарлар кредитга сотилган товар сифатида расмийлаштирилиши лозим.

Тараққий этган мамлакатлар амалиётида товарларнинг сезиларли қисми кредитга сотилади. Кредитга сотилган товарларнинг бир қисми тижорат векселлари билан расмийлаштирилади. Бунда вексель сотиб олувчининг етказиб берилган товарлар юзасидан қарздорлигининг

мавжудлигини билдиради ва одатда ушбу қарздорлик фоизи билан тўланади. Кредитга сотилган товарларнинг иккинчи қисми эса, вексель билан расмийлаштирилмайди. Бунда товар суммасини тўлаш вақти келганда сотиб олувчи тўлов топшириқномаси ёзади ёки тўлов аккредитив ҳисобрақамидаги маблағлар ҳисобидан тўлаб берилади.

3. Республикамиз банк амалиётида тўловларнинг календар кетма-кетлигига ўтишни босқичма-босқич жорий қилиш лозим. Биринчи босқичда корхоналарнинг картотекаларини юритиш уларнинг ўзларига юкланиши лозим. Картотека бўйича тўловларнинг ўз вақтида ўтказилиши устидан назорат солиқ хизматига юкланиши зарур. Иккинчи босқичда тўловларни календар кетма-кетлигида амалга ошириш тўлиқ жорий қилинади. Тижорат банклари мижозлар иш ҳақи олиш мақсадида банкка ташриф буюрганида улардан фақат даромад солиғи ва пенсия фондига ажратмалар бўйича қарздорликнинг мавжуд эмаслиги тўғрисидаги маълумотномани сўрашга ҳақли бўлади.

Халқаро амалиётда, хусусан, тараққий этган мамлакатлар амалиётида тўловларнинг календар кетма-кетлиги қўлланилади. Ушбу кетма-кетликка асосан корхонанинг қайси турдаги қарздорлиги олдин юзага келса, ўша қарздорлик олдин тўланади. Бунда солиқлар бўйича аванс тўловларини амалга оширишга рухсат этилмайди.

2 – боб. Тижорат банкларида банклараро ҳисоб – китобларни амалга ошириш ва унинг ҳисобини юритишнинг амалдаги ҳолати таҳлили.

2.1. Тижорат банкларининг автоматлаштирилган ахборот тизимлари орқали ҳисоб – китобларни амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари.

Банк автоматлаштирилган ахборот тизимини техник таъминлаш жараёнида банк технологиялари аппарат воситалари ахритиктураси замонавий талаблар асосида қурилишлари керак. Уларга: алоқани турли-туман телекоммуникацион воситалари, кўп машинали мажмуалар, “мижоз-сервер” нинг архитиктурасидан фойдаланиш, маҳаллий, минтақавий ва глобал тезкор тармоқларни қўллаш, аппаратли ечимларни унификациялаш киради.

“Мижоз-сервер” архитектураси банкларнинг ахборот технологияларини қурилишларидаги техник ечимларга замонавий ёндошишнинг асоси бўлади. Бу техник таъминланишни ташкил қилиш ва ахборотларни ишлаб чиқишни мижоз (ишчи станция) ва сервер деб номланган иккита таркибий қисм ўртасида тақсимланишини кўзда тутди. Иккала қисм бирлаштирилган компьютерларда бажарилади. Бунда мижоз серверга сўровлар юборади, сервер эса уларга хизмат кўрсатади. Бундай технология таркиблаштирилган сўровларнинг махсус тилига эга касбий маълумотлар базасини бошқариш тизимида амалга оширилади.

Банкларнинг автоматлаштирилган технологияларида телекоммуникацион архитектура техник таъминлаш тизимларининг мажмуаси ва тузилишини белгилайди, улар банк автоматлаштирилган ахборот технологияларининг барча модуллари модуллар учун ўзаро ҳамкорликнинг ҳар хил турларини таъминлайди.(1-қизмага қаранг)

Демак, телекоммуникацион тизимлар банкка автоматлаштиришнинг энг муҳим масалалари бизнес жараёнларнинг ўзаро ҳамкорликларининг энг мувофиқ унумдорлиги ва тиниқлигини таъминлаш каби соф техникадан тортиб банк хизматини кўрсатишнинг энг юқори даражасидаги вазифани ҳал қилишга имкон беради.(2-қизмага қаранг)


Банкларда ахборот технологияларининг дастурий таъминланиши.

Банк вақт бўйича ривожланувчи объект бўлиб, ҳам ахборот муҳитининг миқдорий ўзгаришини (ишлаб чиқиладиган маълумотларнинг ҳажмини, фойдаланувчилар сонини ва бошқаларни кўпайишини), ҳам сифат ўзгаришларини (ечиладиган вазифаларнинг турли-туманлигини кенгайтириш,

уларнинг характери ўзгаришини) вужудга келтиради. Шунинг учун ҳам, банкда ахборот алмашиш жуда катта аҳамиятга эга.(чизмага қаранг)


1-чизма

Банкнинг телекоммуникацион архитектураси




2-чизма

**Маълумотларнинг экспорти бўйича автоматлаштирилган иш жойи
коммуникацияларининг ишлаш чизмаси**



**Мужассамлашган банк автоматлаштрилган ахборот
технологияларининг таркибий тузилиши**



Банк автоматлаштирилган ахборот тизимларида ахборотни ҳимоялаш

Ахборотларга руҳсатсиз киришни ҳимоялаш бўйича талаблар ҳимояланаётган ахборотларнинг учта асосий хуусусиятларига эришишга йўналтиридган:

- махфийлилик (махфий ахборотларга фақат унга тегишли бўлган кишилар кириши керак);
- яхлитлилик (муҳим қарорлар қабул қилишда фойдаланаётган ахборотлар ишончли ва аниқ бўлиши ва қасддан, ҳамда ғараз мақсадлари билан бузилиш имкониятларидан ҳимояланган бўлиши керак);
- тайёрлилик (ахборотлар ва тегишли ахборот хизматлари уларга зарурат туғилган пайтда, ҳамма вақт хизмат кўрсатишга тайёр бўлишлари керак).

Банк ахборотларига киришни чеклашнинг ҳар қандай тизимини муваффақиятли фаолият юритиши учун иккита вазифани ечиш зарур:

1. танланган модел доирасида бўлган ҳаракатлар билан ахборотларга киришни чеклаш тизимини четлаб ўтишни мумкин бўлмайдиган қилиш.
2. маълумотларга киришни амалга ошираётган фойдаланувчининг идентификациясини (белгилаш) кафолатлаш.

Рўйхатга ва ҳисобга олиш тизими қўйидагиларни амалга оширади:

- кириш субъектларини тизимга кириши (чиқиши)ни рўйхатга олишни ёки операцион тизимни иш билан тўла таъминлаш ва инициаллаштиришни ва унинг дастурий тўхташини рўйхатга олишни;
- нусхадаги босма (график) ҳужжатларни беришни рўйхатга ва ҳисобга олиш;
- ҳимояланган файлларни ишлаб чиқиш учун мўлжалланган дастурлар ва жараёнлари (вазифалар, масалалар)ни ишга туширишни рўйхатга олиш;
- дастурий воситалар, дастурлар, жараёнлар, вазифалар, масалалар ҳимояланаётган файлларга киришга қилинаётган ҳаракатларни рўйхатга олиш;

- ахборотларнинг ҳимояланадиган манбаларини ҳар қандай белгилаш ёрдамида ҳисобга олиш, қабул қилишни рўйхатга олиш билан ўтказилади.

Автоматлаштирилган банк тизимларининг истёъмол (вазифавий) хусусиятларини кенгайтириши мамлакатимиз банк ишини ривожланишининг хусусиятлари боғлиқ. Агар банк хизматларининг у ёки бу турларига ўсиб боровчи сўровлари оммавий ҳарактерга эга бўлса, унда автоматлаштирилган банк тизимлари бозорида банк технологияларининг янги синфлари пайдо бўлади.

Автоматлаштирилган банк тизимлари ўз хизматларининг кенг, турли-туманлиги бўйича мижозларга тез ва сифатли хизмат кўрсатишга имкон беради. Тизимнинг асосий хизмат модуллари қўйидагиларни амалга оширади:

- юридик шахсларга ҳисоблаш – касса хизматини кўрсатиш;
- банк – корреспондентлари счётлари бўйича хизмат кўрсатиш;
- кредит, депозит, валюта операциялари;
- хусусий шахслар киритмаларининг ҳар қандай турлари ва улар бўйича операциялар;
- фонд операциялари;
- пластик карточкалар ёрдамида ҳисоб – китоблар;
- бухгалтерия вазифалари;
- таҳлил, қарорлар қабул қилиш, менежмент, маркетинг ва бошқалар.

Банкнинг операция куни дастурий – технологик мажмуа сифатида банк ҳисобининг энг кўп меҳнат талаб қилувчи операцияларини автоматлаштиради.(4-чизмага қаранг)

Операцион кун модулларининг таркиби

2. Тижорат банки активларини бошқаришдаги дастурлаш моделлари

Ҳозирги пайтда линиявий дастурлаш асосида ишлаб чиқилган кўпгина тайёр, стандарт ҳисоблаш дастурлари яратилган. Банк менежменти асосий мақсад йўналишларини, қарорлар қабул қилиш соҳасидаги муаммоларни фарқлаши зарур. Энг мақбул натижаси ҳисоблаб чиқиш учун олдиндан белгиланадиган тахминлар ва чеклашлар моҳиятини билиш, таҳлилни баҳолаш ва талқин қилишда ёрдам кўрсатиш лозим. Вазифа қўйишда ўзгарувчан элементлардан фойдаланишнинг бир қанча муқобил йўли мавжуд бўлса, линияли дастурлаш муваффақиятли бўлади.

Линияли дастурлаш модели яққол кўринишдаги мақбул мақсадни таърифлашни тавозо этади. Мақбуллаштириш, масалан, даромадларни ниҳоятда кўпайтириш ёки чиқимларни ниҳоятда камайтиришдан иборат бўлиши мумкин. Активларни бошқаришдан мақсад активларни жойлаштириш орқали энг юқори даражада фойда олишдан иборат бўлади. Масалан, банк раҳбарияти маблағларни энг юқори даромад олиш имконини берадиган комбинация ёрдамида жойлаштиришни мўлжалласа, ҳал қилувчи ўзгарувчан элементлар ёки иложи бўлган муқобилларни ўз ичига олиши мумкин. Агар банкнинг ҳеч қандай юридик ёки иқтисодий чеклашлари бўлмаса, жами мавжуд маблағларни банклараро ссудаларга йўналтириш мазкур муаммонинг энг осон ечими саналса-да, лекин уни амалда бажариб бўлмайди. Тижорат банкларининг инвестициялари қонунлар ва назорат органларининг соғлом банк амалиётини таъминлаш учун ишлаб чиқилган меъёрий ҳужжатлар орқали тартибга солинади ва чекланади.

Маскур модел турли даврларни таҳлил қилиш учун ишлатилиши мумкин, бунинг учун коэффициентлар ва ўзгарувчан элементлар тизимига бир даврдан бошқасига ўтишни таъминлайдиган қўшимча чеклашларни киритиш зарур. Қимматли қоғозларга инвестицияларни банкнинг ссудалар қайтарилиши, қимматли қоғозларни сотишдан тушган маблағлар миқдори

хамда аввалги даврдан олинган фойда даражасида лимитлаш бундай чеклашларга мисол бўла олади.

Линияли моделлар банк раҳбариятининг турли ссудаларга, депозитларга талаблар ва фоиз ставкалари динамикаси тўғрисидаги тахминларни акс эттириш имконини беради. Масалан, фоиз ставкаларининг камайиши тахминланаётган бўлса, активларнинг катта қисмини узок муддатли инструментларга инвестициялашга йўналтириш ўринли бўлади. Бунинг учун қўйилмалар муддати тугайдиган пайтгача ликвидли маблағлар етарли бўлиши керак.

Линиялаш дастурлаш тенгламаларини ечиш натижасида активларнинг ҳар бир турига маблағлар инвестициялашнинг шундай ҳажми белгиланадики, бунда олдиндан белгиланадиган чеклашлар ва қўйилмаларни ҳисобга олган ҳолда, энг юқори фойда олишга эришилади. Қўйилмаларни ўзгартирган ҳолда, дастур бир неча марта қайта ҳисоблаб чиқиши зарур бўлади. Бу эса натижаларнинг у ёки бу тахминларга ва уларнинг ўзгаришларига қанчалик сезгир эканликларини баҳолаш имконини беради.

Эришилган ечим чеклашлар киритиш билан боғлиқ фойдаланилмай қолган имкониятлар оқибатидаги зарарлар миқдорини кўрсатиб беради. Ликвидлик талаблари бўйича чеклашларни сусайтириш ёки янги депозит сертификатлар чиқариш йўли билан бозорда қўшимча маблағларни фаол жалб этиш банкнинг фойда кўришини кўпайтиришга имкон беради.

Банк хизматларининг етарлича барқарор номенклатурасига қарамасдан, уларни технологик босқичлари ва усуллари изчиллиги кўринишида амалга оширилиши фарқланиши лозим.

Банк технологиялари банк бизнесини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантиришнинг воситаси сифатида бир қатор асосий тамойиллар асосида яратилади:

- банк вазифаларининг турли-туманликларини уларнинг тўлиқ интеграцияси билан қамраб олишда комплекс ёндашиш;

- тизимни аниқ буюртма остида кейинчалик ўстириш билан осонликча конфигуралашга имкон берувчи модели таъминланади;

- турли хилдаги ташқи тизимлар (телекоммуникация, молиявий таҳлил тизимлари ва бошқалар) билан ўзаро ҳамкорлик қилишга, дастурий техник платформани танлашни таъминлашга ва уни бошқа аппаратли воситаларга кўчиришга қодир технологияларнинг очиклиги;

- банк тизими моделларини содда ва уларни аниқ банкнинг эҳтиёжлари ва шароитларига мослаштиришнинг эгилувчанлиги;

- бизнес жараёнларининг ривожланганлиги сари тизимнинг вазифавий моделларнинг кенгайиши ва мураккабланишини кўзда тутувчи кўламлилиқ (масалан, филиаллар ва банк бўлинмалари ишини қўллаб-қувватлаш, таҳлилни гуруҳлаштириш ва ҳоказо);

- ҳақиқий вақтда маълумотларга кўп фойдаланишлар бўйича ки-риш ва ягона ахборот бўшлиғида вазифаларни амалга ошириш;

- банк ва унинг бизнес жараёнларини моделлаштириш ва алгоритмик содданининг имконияти;

- тизимли бизнес жараёнларини ривожлантириш асосида узлуксиз ривожлантириш.

Турли хилдаги банкларнинг ишларини таққослаб ва улар фаолиятини автоматлаштириш имкониятини баҳолаб банк технологияларини унификацияланиши ва стандартлашуви амалда йўқлигини таъкидлашга тўғри келади. Битта номдаги банк операцияларини бажариш технологиялари ҳар хил банкларда фарқ қилади, бир номдаги автоматлаштирилган участкалар учун мақсадлар ва вазифаларнинг мос келмаслиги, бир номдаги операцияларни хужжатлаштириш технологиясидаги турли-туманликлар, ҳисоботлар шакллари фарқлари, бошқарувнинг ҳар хил участкаларида уларни тақдим этишда ходимларнинг иқтисослашуви билан даврийлиги кўзда тутилади. Бу бозорда банк фаолиятининг қисман автоматлаштирилишини таъминловчи катта миқдордаги дастурий воситаларнинг пайдо бўлишига олиб келди.

2.2. Тижорат банкининг бухгалтерия ҳисоби бўлимида иш кунининг ташкил қилиниши ва банклараро ҳисоб – китобларни амалга оширилиши.

Ҳисоб сиёсати - бу банк томонидан операцияларни баланс ҳисобварақларида акс эттириш, олиб бориладиган ички назорат, шунингдек молиявий ҳисоботларни тайёрлаш, уларни фойдаланувчиларга тақдим этиш ва чоп этиш билан боғлиқ аниқ тамойиллар, асослар, шартлар, коида ҳамда амалиётлар йигиндисидир.

Банкнинг бухгалтерия тизими Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2008 йил 11 июлда 1834-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида бухгалтерия ҳисобини юритиш ва бухгалтерия ишларини ташкил қилиш тартиби тўғрисида”ги Йўриқномага мувофиқ ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини расмийлаштириш, уларни назорат қилиш ҳамда бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича банк операцияларини акс эттириш билан шугулланувчи ходимларни ўз ичига олади.

Бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этишни банк филиали Бошқарувчиси амалга оширади. Банк раҳбари бухгалтерия иши ҳолатини умумий кузатиш билан бир каторда баланс ва бошқа ҳисоботларни ўз вақтида тузилишини текшириб бориши, мижозларга ўз вақтида ҳамда сифатли хизмат кўрсатилишини мунтазам назорат қилиб туриши шарт.

Бухгалтерия аппаратиға банкнинг бош бухгалтери раҳбарлик қилади. У Банк тизимининг бош бухгалтерлари тўғрисидаги намунавий низом асосида иш олиб боради. Бош бухгалтер бўлмаган вақтда унинг вазифаларини бош бухгалтер ўринбосари бажаради.

Банкларда бухгалтерия ишларини юритиш учун бухгалтерия аппарати тузилади. Бухгалтерия аппарати ходимларининг аниқ вазифалари банк раҳбарининг буйруғи билан тасдикланади. Масъул ижрочи ва назоратчи

бухгалтерлар зиммасига муайян ҳисобварақларни юритиш ёки алоҳида операцияларни амалга ошириш ишлари юклатилади. Ҳисобварақларни бухгалтерия ходимлари ўртасида тақсимлаш ва қайта тақсимлаш китоби дастурий равишда юритилади ҳамда қўлда махсус дафтарда қайд этиб борилади.

Мижозларнинг банк ходимларининг хатти-ҳаракатлари устидан шикоятлари ҳамда бошқа мурожаатлари амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ қабул қилинади ва қўриб чиқилади. Мурожаат қилиш тартиби эълонлар осиб қўйиш йўли билан мијозларга маълум қилиниши лозим.

Бош офиснинг Ҳисобот ва ҳисоб-китоб ва Молия менежменти бошқармаси, вилоят бошқармаларидаги ҳисобот ва ҳисоб-китоб бўлимлари бухгалтерия ишларини амалдаги меъёрий ҳужжатларга асосан ташкил этилишини таъминлайди ҳамда назорат қилиб боради. Шу билан бирга банк фаолиятининг асосий мақсадидан қелиб чиққан ҳолда ҳудудий филиалларга меъёрий йўриқномалар доирасида қўрсатма ва фармойишлар беради.

Банк филиалларида бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 13 августда 778 - 17-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси”га мувофиқ юритилади. Барча операциялари миллий валютада, шунингдек хорижий валютада ҳамда миллий валютадаги эквивалентида юритилади. Хорижий валютадаги операциялар юзасидан Бош ва ёрдамчи китоблар ҳар бир валютанинг тури бўйича алоҳида-алоҳида юритилади.

Бухгалтерия ходимларининг иш куни ва ҳужжатлар айланишини ташкил этиш амалиёти куни давомида ижрога қабул қилинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари дастлабки ҳамда жорий назоратдан ўтказилиб, улар ўз вақтида ижро этилиши, яъни ҳисобварақлар бўйича операциялар бухгалтерия ҳисобида акс эттирилиб, қўнлик баланс ҳисоботи тузилиши ва кейинги банк иш кунидан қечиктирмасдан бажарилган барча операцияларни якуний назоратдан ўтказиш ишларини ўз ичига олади.

Банк амалиёт куни - банк иш кунининг бир қисми бўлиб, бухгалтерия ходимлари томонидан ҳужжатларни қабул қилиш, уларни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари бўйича акс эттириш даврини ўз ичига олади.

Банкка келиб тушган ҳужжатлар жорий кун баланси бўйича бухгалтерия ёзуви билан банк амалиёт куни охиригача расмийлаштирилади. Банк амалиёт куни тугаганидан сўнг топширилган ҳужжатлар банкнинг кейинги иш куни баланси бўйича ўтказилади. Бунда мижозлардан амалиёт куни тугаганидан сўнг қабул килинган тўлов ҳужжатлари бухгалтерия масъул ижрочисига ажратилган сейфларда сақланади.

Иш куни якунланишига камида икки соат колган вақтда бошқа шаҳарда жойлашган тўловчиларнинг хизмат кўрсатувчи банкларига инкассога қабул килинган тўлов талабномалари ўша кунгача жўнатилади.

Амалиёт куни давомида мижозлардан ҳисоб-китоб пул ҳужжатларини бевосита бухгалтерия ходимларининг ўзлари қабул қилиб оладилар. Амалиёт кунидан ташқари вақтда ҳужжатлар банкка махсус курилмалар (кутилар) орқали топширилиши мумкин. Улардаги ҳужжатлар ҳар соатда камида бир марта олинади.

Операциялар ҳажмини тартибга солиб туриш учун банкка доимий равишда катта миқдорда тўлов ҳужжатлари тақдим этиб турадиган мижозлардан ҳужжатларни қабул қилиш жадвали ҳар бир филиалда белгиланади.

Жисмоний шахслар (турли бадалларни топширувчи фуқаролар, омонатчилар)нинг ҳисоб-китоб ва касса операциялари ушбу операцияларни бажарувчи бухгалтерия ходимлари томонидан операцион кун давомида амалга оширилади.

Мижозларга хизмат кўрсатиш жадвали ҳар бир филиал томонидан мустақил равишда белгиланади.

Электрон тўловларни амалга ошириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2006 йил 14 февралда 1545-сон билан

рўйхатга олинган “Марказий банкнинг банклараро тўлов тизими оркали электрон тўловларни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низоми талабларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилади.

Филиалларда балансни ўз вақтида шакллантириб Марказий банкнинг ҳудудий бош бошкармаларига ўрнатилган муддатда (кейинги кун соат 10.00 гача) тақдим этилишини, Марказий банк учун ИАТТга маълумот файлларини ўз вақтида ва тўлиқ жўнатилишини ҳамда банкда умумлашган балансни ўз вақтида шакллантирилишини таъминлаш, ягона базада турли upgrade ларни ўтказиш, Банк кластерида профилактика ишларини амалга оширишга имконият яратиш мақсадида иш тартиби ва операцион кунни ёпиш катъий тарзда қуйидагича белгиланади:

а) банкда янги иш куни Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Ҳисоб-китоб маркази (бундан кейинги ўринларда ХКМ деб юритилади)да очилган ташки ("21302-Резидент банкнинг вакиллик ҳисобвараги") вакиллик ҳисобварагининг кун бошига айланма ва қолдиқ суммаларини, ички ("10301-Марказий банкдаги вакиллик ҳисобвараги") вакиллик ҳисобварагининг айланма ҳамда қолдиқ суммалари билан мослигини текшириш билан бошланади. Ички ва ташки вакиллик ҳисобвараги айланма ҳамда қолдиқ суммаларини мослигини тасдиқлаш учун ХКМ га электрон файл юборилади;

б) ХКМ банк юборган электрон файлни қабул қилиб олади ва банкнинг ташки ҳамда ички вакиллик ҳисобварақ қолдиқ суммаларини дастурий равишда таккослайди ва уларни мослигини тасдиқлаб банкка қайтаради. Вакиллик ҳисобварақлар қолдиқ суммалари мос келмаса мавжуд фарқ бартараф этилмагунча банк амалиёт куни очилмайди;

в) ХКМ дан тасдиқ (W-файл) олинганидан сўнг банкка банклараро тўловларни амалга ошириш учун рухсат берилади;

г) филиалларга Банк Ҳисоб-китоб марказида очилган ташки ("22204-Бош банк-филиалларга тўланадиган маблағлар") ва филиалларда очилган ("16103-Бош банк/филиаллардан филиаллараро ва банклараро ҳисоб-китоблар бўйича олинадиган маблағлар") ички вакиллик ҳисобварақлар

колдик суммасининг мослигини тасдиклаш Бош офис томонидан амалга оширилади. Филиаллар ички вакиллик ҳисобвараги (16103) ва Банк Ҳисобкитоб марказида очилган ташки (22204) вакиллик ҳисобвараги ўртасида фарк мавжуд бўлса, ушбу филиалга уни бартараф этмагунча филиаллараро ҳамда банклараро тўловларни амалга ошириш ва янги кунга ўтиб ишлашга рухсат этилмайди;

д) Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фармойишига асосан банк иш куни конун ҳужжатларига асосан узайтирилмаган бўлса филиаллараро ва ички тўловлар банк иш куни давомида соат 17-30 га кадар амалга оширилади. Филиаллараро тўловлар банкнинг мижозлари ўртасида амалга оширилишини инобатга олиб, ўз мижозларидан тўлов ҳужжатларини (филиаллараро тўловлар бўйича) соат 16-00 гача қабул қилишниши мумкин. Ички тўловлар каторига касса амаллари, тўланиши ва олиниши лозим бўлган фоизлар ҳисобини ҳисоблаш ҳамда ходимларга иш хаки ҳисоблаш ва шунга ўхшаш амаллар киради;

е) банклараро тўловлар бўйича банклар мижозларидан банк амалиёт куни давомида қабул килинган тўлов ҳужжатлари юзасидан бухгалтерия ўтказмаларини банк иш кунининг соат 15-00 га кадар амалга ошириб соат 16-00 га кадар ХКМга етказиб беришлари керак, акс холда банклараро тўловлар амалга оширилмайди. Филиалнинг айби билан амалга ошмай колган ҳужжат бўйича филиал раҳбари ва масъул ходимлари жавобгар ҳисобланади, бундан банкка тааллуқли бўлмаган ташки омиллар мустасно;

ё) банклараро бюджет тўловлари ХКМга соат 16-00 дан 16-30 га кадар юборилади, соат 16-30 дан кеч юборилган банклараро бюджет тўловлари ХКМ томонидан кайтариб юборилади. Филиалнинг айби билан амалга ошмай колган ҳужжат бўйича филиал раҳбари ва масъул ходимлари жавобгар ҳисобланади, бундан банкка тааллуқли бўлмаган ташки омиллар бундан мустасно;

ж) филиаллар соат 16-30 дан то 17-00 га кадар ўзларида бюджет тўловларига очилган транзит ҳисобварақ колдикларини ХКМ оркали

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг ҳудудий Бош бошқармалари ХКМларида очилган бюджет транзит ҳисобварагига ўтказишлари шарт. Филиалнинг айби билан амалга ошмай қолган ҳужжат бўйича филиалнинг раҳбари ва масъул ходимлари жавобгар ҳисобланади, бундан банкка тааллуқли бўлмаган ташки омиллар мустасно;

з) ХКМ банкларга банклараро тўловлар тугаганлиги тўғрисида END файлни юборганидан сўнг банклар ўртасида банклараро тўловлар тўхтатилади;

и) Банк филиаллари ўртасида тўловлар соат 17.30 гача амалга оширилади;

к) Банкнинг Ҳисоб-китоб маркази томонидан END файл жўнатилади соат 18.00 гача ва филиал томонидан END файл қабул қилинганидан сўнг филиал баланси ёпилади.

Филиалларда иш куни банк операциялари бухгалтерия ҳисоботида тўлиқ акс эттирилиб, кунлик баланс ҳисоботи таҳлил қилиниб, банк филиали раҳбари ҳамда бош бухгалтер томонидан имзолангандан сўнг яқунланади.

Марказий банкнинг фармойишига асосан банк иш куни қонун ҳужжатларига асосан узайтирилмаган бўлса, филиал шу куннинг ўзида банк иш куни яқунлангани, яъни соат 18-00 дан сўнг ёки агарда Марказий банкнинг фармойишига асосан банк иш куни қонун ҳужжатларига асосан узайтирилган бўлса кейинги банк иш куни соат 10-00 дан кечиктирмаган ҳолда Марказий банкка электрон баланс (0106BS) ҳисоботини жўнатади.

Зарур ҳолларда филиаллараро электрон тўловлар вақти банкнинг Ҳисоб-китоб маркази орқали Бошқаруви Раиси ёки Раис ўринбосарининг ёзма фармойишига асосан узайтирилиши мумкин.

Агар филиал томонидан амалиёт куни (баланс) ҳар хил сабабларга қўра муддатида ёпилмаса филиал баланси дастурий равишда Бош офисдан ёпишга қўйилади. Филиал баланси Бош офис томонидан ёпилганда баланс ҳисобвараклари ўртасида ҳосил бўладиган номуносабликлар учун филиал раҳбарлари жавобгар ҳисобланади.

Филиаллар бош бухгалтерлари ишини енгиллаштириш, СМ алока тармоги юкланишини камайтириш мақсадида ягона балансга ўтган филиаллар қабул қилиши зарур бўлган рейс (сеанс)ларни марказлашган ҳолда, яъни Банк Ҳисоб-китоб марказида шакллантирилиб, шу ернинг ўзида жойлашган ягона базага қабул қилинади.

Банкда ва филиалларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2001 йил 9 июлда 1047-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банкларда электрон ахборотларни муҳофазалашни ташкил этиш тўғрисида”ги Йўриқнома ҳамда 2006 йил 13 мартда 1552-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари автоматлаштирилган банк тизимларида ахборотни муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Низом талаблари асосида ташкил этилади.

Банкларда барча операциялар Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклдаги пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхаси ҳамда "Банк-мижоз" тизимидан фойдаланувчилардан электрон алока орқали олинган электрон тўлов ҳужжатлари, шунингдек пластик карточкалардан фойдаланган ҳолда тузилган электрон ҳужжатлар асосида амалга оширилади ва бухгалтерия ҳисобида кайд этилади.

Банк операциялари қонун ҳужжатларида белгиланган шаклда расмийлаштирилган электрон ҳужжатлар ("Банк-мижоз" дастури ёки пластик карточкалар орқали амалга ошириладиган ҳисоб-китоблар) пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг асл нусхасида белгиланган барча реквизитларга эга бўлиши шарт.

Электрон ҳужжатлар масъул шахслар имзолари ўрнини босувчи - электрон рақамли имзо билан тасдиқланган бўлиши лозим.

Электрон ҳужжатларни қабул қилиш ва қайта ишлаш жараёнида уларнинг бирор кўрсаткичларини ўзгартиришга йўл қўйилмайди.

Пул ҳисоб-китоб ҳужжатлари банк томонидан ижрога факат мижознинг банкка тақдим қилган муҳр ва имзо қўйилган варақчада

кўрсатилган шахслар ёки мижознинг ишончномаси асосида вакил килинган шахсдан қабул килинади.

Бухгалтерия ҳужжатларини назоратдан ўтказиш банкда ички назоратни ташкил қилиш бўйича ишлаб чиқилган Низом ва Тартиблар талабларига асосан ташкил килинади.

Тўлов топшириқномалари ва нақд пулни кўйиш учун фойдаланиладиган эълонларнинг санаси уни банкка тақдим этилган сана билан бир хил бўлиши керак, акс холда улар ижро учун қабул килинмайди (олдинги иш кунида "кечки" муҳри билан ҳамда бюджет ва бюджетдан ташқари жамғармаларга тўловлар учун қабул килинган тўлов топшириқномалари бундан мустасно).

Мижоз томонидан банк ҳисобварақлари бўйича операциялар ўтказиш учун банкка тақдим килинган пул ҳисоб-китоб ҳужжатларининг тўғри расмийлаштирилганлиги, яъни ҳужжат белгиланган шаклдаги бланкда ёзилганлиги, банк кўзда тутган барча реквизитлар тўғри тўлдирилганлиги, муҳр изи ва имзолар банкка берилган намуналарга мос келиши ҳамда рақамлар ва сўзларда ёзилган суммалар мос келишига ушбу ҳужжатни қабул қилган бухгалтерия ходими, ички назоратдан ўтказган ходим ҳамда филиал бош бухгалтери баробар жавобгар ҳисобланадилар.

Банкнинг бухгалтериядан ташқари бошқа бўлинмалари ва хизматлари бажарилаётган банк ички операцияларининг қонунийлиги ҳамда улар тўғри расмийлаштирилиши учун тўла жавобгар ҳисобланади.

Мазкур таркибий тузилмалар бухгалтерия ҳисобини юритиш, жўнатиш учун зарур бўлган ҳужжатларни (буйруқлар, қарорлар, фармойишлар, сметалар, нормативлар ва бошқа бирламчи материаллар) бухгалтерияга ўз вақтида топширишлари шарт. Ушбу ҳужжатлар сифатсиз тузилгани ва расмийлаштирилгани ҳамда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботида қайд этишга берилиш вақтидан кечиккани, ҳужжатлардаги маълумотларнинг нотўғрилиги, шунингдек гайриқонуний операцияларни акс эттирувчи ҳужжатлар тузилгани учун бу ҳужжатларни тузган ҳамда имзолаган

банкнинг мансабдор шахслари жавобгар бўладилар.

Филиаллар кунлик бажарилган бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан ўрнатилган шаклда кунлик баланс ҳисоботини тузади. Бундан ташқари кунлик баланс ҳисоботи Бош офис томонидан бутун банк бўйича ягона килиб ҳам тайёрланади.

Баланснинг тўғри тузилганлиги ўрнатилган тартибда текширилганидан сўнг кунлик бухгалтерия ҳисоботи сифатида бир нусха баланс (Бош офисда бутун банк бўйича, филиалларда эса ўз филиаллари бўйича) чоп этилади.

Банкнинг ягона кунлик баланси банк Бошқаруви Раиси ёки унинг ўринбосарлари ҳамда Ҳисобот ва ҳисоб-китоб бошқармаси бошлиғи томонидан имзоланиши лозим. Филиаллар балансига филиал Бошқарувчиси ва унинг бош бухгалтери имзо чекади.

Бухгалтерия (кирим-чиқим) ҳужжатлари ҳар бир иш куни учун дебетланган баланс ҳисобварақлари рақамлари ортиб бориши тартибда тикилган ҳолда шакллантирилади. Ҳужжатларни тайёрлаш иши билан уларни расмийлаштириш вазифаси топширилган ходим шугулланади.

Банкда бухгалтерия ҳужжатларининг сақланиши Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1999 йил 25 ноябрда 841-сон билан рўйхатга олинган “Ўзбекистон Республикаси банкларида архив ишларини юритиш тўғрисидаги қоида” ва 2000 йил 26 июлда 951-сон билан рўйхатга олинган “Тижорат банклари фаолиятида юзага келадиган ҳужжатларнинг сақланиш муддатлари рўйхатини қўллаш бўйича кўрсатма”га асосан амалга оширилади.

Банк бухгалтерия ҳужжатларининг катъий сақланиши таъминланиши шарт. Бухгалтерия ҳужжатларини сақлаш юзасидан белгиланган тартибга риоя этилиши ҳамда ушбу ишлар тўғри ташкил этилиши учун жавобгарлик банк раҳбари ва бош бухгалтери зиммаларига юклатилади.

Банкда ҳар куни банк амалиёт куни тугалланганидан сўнг ҳужжатлар тегишли жилдларга ўрнатилган тартибда тикилиб, архивланади. Келаси кун

бошлангунига кадар жилдлар тикилмаган ҳужжатлар албатта сейфда сақланиши лозим.

Кунлик йигмажилдга куйидаги ҳужжатлар тикилади:

а) банк мижозлари тўлов ҳужжатларининг ҳамда қисман амалга оширилган тўловларда, шунингдек банк мижозлар билан шартномада белгиланган ҳисоб-китоблар бўйича амалга оширилган тўловлар учун кўлланилган мемориал ордерларнинг биринчи нусхаси;

б) Банк-мижоз дастурий мажмуаси бўйича амалга оширилган тўлов ҳужжатларининг рўйхати;

в) банклараро ва филиаллараро тўловлар бўйича банк ҳисобварақларининг кредитланишига асос бўлган электрон тўлов ҳужжатларининг рўйхати;

г) банкнинг ички ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялари учун асос бўлган мемориал ордерлар рўйхати;

д) кўзда тутилмаган ҳолатлар ҳисобварақлари бўйича амалга оширилган операциялар учун асос бўлган мемориал ордерларнинг масъул ижрочилар бўйича тузилган рўйхати;

е) кунлик баланс ҳисоботи ва ҳисобварақлар бўйича айланма ҳамда колдик суммалар;

ё) кунлик бухгалтерия журнали.

Мижозларнинг уларга ҳисобварақлар очиш тўғрисидаги аризалари барча зарур ҳужжатлар билан бирга ҳар бир мижоз бўйича тутиладиган алоҳида йигмажилдларда сақланиши лозим. Бундай йигмажилдлардан ҳужжатларнинг чиқариб олинишига мутлақо йўл қўйилмайди.

Ҳисобварақларни юридик расмийлаштириш билан боғлиқ ўз кучини йўқотган ҳужжатлар йигмажилдда колдирилади ва улар устига чизик тортилиб янги ҳужжатлар билан алмаштирилгани ёзиб қўйилади. Имзолар намуналари қўйилган карточка алмаштирилаётганда ўз кучини йўқотган карточкалар нусхаларидан бири мижознинг юридик йигмажилдига тикилади, колганлари эса йўқ қилинади.

Узокрок вақт сакланадиган, шунингдек банкнинг ички операцияларига тааллуқли қуйидаги ҳужжатлар алоҳида йигмажилдларга тикилиши керак:

а) фуқароларнинг ва ҳарбий хизматчиларнинг омонатлари бўйича;

б) қимматбаҳо металллар ва чет эл валютаси билан амалга оширилган ҳамда чет эл валютасидаги ҳисоб-китоблар билан боғлиқ операциялар бўйича;

в) асосий воситалар, операцияларга доир ва бошқа даромад ҳамда харажатлар, бошқа хўжалик операциялари бўйича;

г) жисмоний шахсларга яққа тартибда турар-жой қуриш ҳамда бошқа мақсадлар учун бериладиган кредитлар бўйича.

Ҳужжатларни саклаш вазифаси топширилган ходимлар ҳужжатларнинг тўла ва бут сакланишини таъминлашлари шарт. Ушбу ходимлар бош бухгалтер, унинг ўринбосари ёки бўлим бошлигининг рухсатисиз мазкур ҳужжатларни бошқа шахсларга бериш ҳуқуқига эга эмас.

2.3. ОАТБ «Микрокредитбанк» да молиявий ҳисоботларни шакллантирилишининг ўзига хос хусусиятлари.

Очиқ акциядорлик тижорат банк «Микрокредитбанк» (келгуси матнда – Банк) учун 2009 йилнинг 31 декабри санасида яқунланган йил учун консолидациялашган (йиғма) молиявий ҳисобот молиявий ҳисоботнинг халқаро андозалари (келгусида МСФО) асосида тайёрланган.

Банк Ўзбекистон Республикасида рўйхатдан ўтказилган ва юридик манзилгоҳга эга. Банк очиқ акциядорлик жамияти бўлиб, акциядорлар уларга тегишли акциялар доирасида мажбуриятлар юзасидан жавобгардир. Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги талабларига мос тарзда ташкил қилинган.

Банк Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги асосида 2008 йилнинг 9 апрелида ташкил қилинган ассоциялашган «Агроинвестсуғурта» очиқ акциядорлик жамияти акциядоридир. Компаниянинг асосий фаолияти қишлоқ хўжалик секторига суғурта хизматларини тақлиф қилиш ҳисобланади. Компания Тошкент шаҳридаги бош офиси орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият олиб боради. Ушбу компания консолидацияланган молиявий ҳисоботга бухгалтерия ҳисобининг улушли усули қўлланилган ҳолда киритилган.

2009 йилнинг 31 декабрида 2.650.000 дона миқдордаги янги акцияларни муомалага чиқарган. Бу акцияларнинг илгариги сонига нисбатан 312% ни (850.000 акция) ташкил қилган. Оқибатда банк шуъба корхона устидан назорат қилиш имкониятидан махрум бўлган, чунки банкнинг устав капиталидаги салмоғи 27% гача камайган. Бундай вазият раҳбарият томонидан аҳамиятли таъсир сифатида кўриб чиқилган ва 2009 йилнинг 31 декабрида яқунланган йил бўйича консолидациялашган молиявий ҳисоботда 28 МСФО «Ассоциялашган компанияларга инвестициялар» асосида ассоциялашган компанияларга инвестициялар сифатида ҳисобга олинган.

2. Асосий фаолият. Банк 2006 йилда Ўзбекистон республикаси Президенти қарорига кўра собиқ акциядорлик тижорат «Тадбиркорбанк» асосида ташкил қилинган. Банк Ўзбекистон Республикасида банк фаолияти ва валюта операцияларини амалга ошириш учун рўйхатга олинган ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг (келгуси матнда ЎРМБ) № 37 бош банк лицензияси ва хорижий валютада операцияларни асалга ошириш учун берилган лицензияга (мос равишда 2006 йилнинг 11 майи ва 1995 йилнинг 10 октябрида берилган) кўра фаолиятини олиб боради. Банкнинг асосий фаолият тури республика ҳудудида тижорат, банк операциялари ва суғурта операцияларидир.

Банк Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимояланиши кафолотлари тўғрисида» ги 2002 йил 5 апрелдаги 360 сонли қонуни билан тасдиқланган омонатларни суғурталаш давлат дастурида иштрок этади. Омонатларни суғурталашнинг давлат тизими банкдан лицензия чақириб олинган пайтда депозит суммасидан қатъий назар омонатларнинг 100% қайтарилишини кафолатлайди.

Банк ўз фаолиятини Тошкент шаҳрида жойлашган бош офис ва Ўзбекстон Республикаси ҳудудидаги 80 филиали (2008 йилда 77 филиал) орқали амалга оширади.

2009 йилнинг 31 декабри ҳолатига қуйидаги акционерлар 1% дан ошиқ акцияга эга эдилар:

№	Акционер номи	2009 йилдаги улуш	2008 йилдаги улуш
1	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	53,3	50,1
2	Ўзбекистон Республикаси Марказий банки	26,7	32,2
3	Ўзбекнефтегаз	3,3	0,8
4	Ўзбекистон Республикаси Миллий банки	2,3	2,8
5	«Асакабанк» ДАТБ	1,7	1,6
6	Ўзсаноатқурилишбанк	1,5	1,9
7	«Агробанк» ОАТБ	1,3	1,6
8	«Ўзбекинвестр» НКЭИС	1,3	1,2
9	Алоҳида олинганда 1% дан кам улушга эгалар	6,5	6,6
	Жами	100	100

2009 йилнинг 31 декабрга акционерларнинг умумий сони 34.239 тани ташкил қилиб, 28.156 та юридик шахслар ва 6.083 та жисмоний шахсдан иборат бўлган (2008 йилнинг 31 декабри ҳолатига нисбатан акционерлар сонига ўзгаришлар кузатилмаган).

Рўйхатга олинган манзил ва фаолит олиб бориш жойи. Банк келгуси манзилда рўйхатга олинган: Ўзбекистон, Тошкент ш. Лутфий кўчаси 14 уй, 100096.

Ҳисоботни тақдим қилиш валютаси. Банкнинг молиявий ҳисоботи минг ўзбек сўмида (келгуси матнда «минг ЎЗС») тақдим қилинган.

Ҳисоботларни тақдим қилиш асослари. Банкнинг консолидацияланган молиявий ҳисоботи молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МСФО) га мос ҳолда, молиявий инструментларни адолатли қиймат бўйича дастлабки тан олиш ва сотиш учун мавжуд бўлган молиявий активларни қайта

баҳолашни инобатга олиган ҳолда дастлабки қиймат бўйича ҳисобга олиш коидалари асосида тайёрланган. Тартибга солиш мақсадлари учун , Ўзбекистон Республикасининг бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонунчилиги талаблари ва тегишли йўриқномаларга мос ҳолда банк ўз ёзувлари ва молиявий ҳисоботини ўзбекистон сўмида олиб бориши керак. Банкнинг консолидациялашган ҳисоботи МСФОга мослаштириш мақсадида коррективкалаштирилган ва реклассифициялаштирилган тарздаги бухгалтерия ёзувларига асосланган.

Банкнинг консолидациялаштирилган ҳисоботини тайёрлашда қўлланилган ҳисоб сиёсати принциплари қуйида келтирилган. Ушбу принциплар тақдим қилинган ҳисоботдаги барча даврларга нисбатан қўлланилган (гарчи ўзгача ҳолат кўрсатилмаган бўлса).

Консолидацияланган молиявий ҳисобот. Шуъба компаниялар шундай компанияларки, уларнинг овоз бериш ҳуқуқини берувчи акцияларининг ярмидан ортиғи банкга бевосита ёки билвосита тегишли бўлади, ёхуд иқтисодий манфаат олиш учун уларнинг молиявий ёки операцияон фаолиятини назорат остига олишнинг ўзга имконияти бўлади. Ҳоширғи пайтда амалга ошириладиган ёки конвертацияланадиган потенциал овоз бериш ҳуқуқининг мавжудлиги ва таъсири банк ўзга компанияни назорат қиладими ёки йўқми деган масала юзасидан қарор қабул қилинишида кўриб чиқилади. Шуъба компаниялар, уларнинг операциялари устидан банкга назорат қилиш учун ўтказилган санадан бошлаб консолидацияланган молиявий ҳисоботга қўшилади ва назорат тугатилган санадан бошлаб консолидацияланган ҳисоботдан чиқарилади.

Банк компаниялари ўртасидаги операциялар, тегишли ҳисобварақлар бўйича қолдиқлар ва компаниялар ўртасидаги операциялар бўйича амалга оширилмаган даромадлар ўзаро чегирилади. Амалга оширилмаган харажатлар, улар қопланиши мумкин бўлмаган ҳолатларда шунингдек ўзаро чегирилади. Банк ва унинг шуъба компаниялари банк сиёсатига мос тарзда ҳисоб сиёсатининг ягона принципларини қўллайди.

Камчиликнинг улуши – бу банк бевосита ёки билвосита эгалик қилмайдиган салмоққа оид бўлган шуъбу компаниялар фаолиятининг соф натижалари ва соф активларининг бир қисмидир. Камчиликнинг улуши банк хусусий маблағларининг алоҳида компоненти бўлиб ҳисобланади.

Гиперинфляция шароитида бухгалтерия ҳисоби. Олдинги пайтларда Ўзбекистон Республикаси инфляцининг нисбатан юқори суръатлари мавжуд эди ва 29 МСФО «Гиперинфляция шароитида молиявий ҳисобот» га кўра Ўзбекистон Республикаси гиперинфляцион иқтисодиётли мамлакат деб ҳисобланар эди. 29 МСФО га мос ҳолда гиперинфляцион иқтисодиётли мамлакат валютасида тузиладиган молиявий ҳисобот ҳисобот санасига ҳаракатда бўлган улчов бирликларида тақдим қилиниши керак. 29 МСФО молиявий ҳисоботга тегишли коррективкаларнинг киритилишиз гиперинфляцион иқтисодиётли мамлакат валютасида операцияон фаолият ва молиявий ҳолатни акс эттирилишининг ноадекватлигини қайд қилади. Пул массасининг сотиб олиш имконияти шундай суръатларда борадики, бунда ҳисобот даврига тегишли бўлган даврнинг турли вақт нўқталарида юз берган операциялар ва ўзга воқеалар суммасини диёрли таққослаб бўлмай қолади.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодий вазият гиперинфляция 2006 йилнинг 1 январидан бошлаб тўхтаганидан далолат беради. Шундай қилиб, 29 МСФО га кўра қайта ҳисоблаш процедуралари кўрсатилган санагача сотиб олинган ёки қайта баҳоланган активлар ваш у санагача пайдо бўлган ёки қабул қилинган мажбуриятларга нисбатан қўлланилади. Мос тарзда бундай активлар ёки мажбуриятларнинг баланс суммалари 2005 йилнинг 31 декабри ҳолатига ҳаракатда бўлган ўлчов бирликларида ифодаланган. Коррективкалар суммаси Давлат статистика комитети томонидан чоп қилинган Ўзбекистон Республикасидаги истеъмол баҳолари индекслари ва 1994 йилгача давр учун ўзга манбалардан олинган индексларга мос ҳолда ҳисобланган.

Ассоцияланган компаниялар. Ассоцияланган компаниялар – бу банк бевосита ёки билвосита аҳамиятли таъсир ўтказувчи компанияларди; одатда

бундай компанияларда банк овоз ҳуқуқининг салмоғи 20 – 50% ни ташкил қилади. Ассоциялашган компанияларга инвестициялар улушли усулда ҳисобга олинади ва дастлаб сотиб олиш қийматида акс эттирилади. Ассоциялашган компанияларнинг баланс қиймати сотиб олиш пайтида идентификацияланган гудвиллни (гарчи мавжуд бўлса, қадрсизланиш юзасидан йиғилган зарарлар чегрилган ҳолда) ўз ичига олади. Ассоциялашган компанияларни сотиб олинганидан сўнг, уларнинг даромадлари ва зараларидаги банкнинг улуши жами даромад тўғрисидаги консолидацияланган ҳисоботда акс эттирилади, фондларнинг ўзгаришидаги улуши эса сотиб олингандан кейин фондларга олиб борилади. Ассоцияланган компания билан боғлиқ банкнинг зарари салмоғи, ассоцияланган компаниядаги салмоққа тенг ёки ошиб кетса (исталган таъминланмаган дебиторлик қарзи киритилган ҳолда) банк келгуси зарарларни ушбу ассоциялаган компания номидан ўз зиммасига мажбуриятларни олган ёки тўловларни амалга оширган пайтдагина акс эттиради.

Банк ва унинг ассоциялашган компаниялари ўртасидаги амалга оширилмаган даромадлар банкнинг ассоциялашган компаниялардаги салмоғига мос тарзда ўзаро чегирилади; амалга оширилмаган харажатлар гарчи улар ассоциялашган компания активларининг қадрсизланиши ҳисобига юз бермаган бўлса, шунингдек ўзаро чегирилади.

Молиявий инструментлар – баҳолашга асосий ёндашувлар. Молиявий инструментлар адолатли қиймат ёки уларнинг классификацияланиши мос тарзда амортизацияланган қиймати билан акс эттирилади.

Адолатли қиймат – бу бозор шароитида кўнгиллилик асосида фаолият олиб боровчи тўлиқ маълумотга эга, мустақил томонлар ўртасида битимларни амалга оширилишида активни алиштириш ёки унинг ёрдамида мажбуриятни мувофиқлаштириш мумкин бўлган суммадир. Адолатли қиймат молиявий активларга бўлган талабнинг жорий баҳоси ва фаол бозорда котиловкаланадиган молиявий мажбуриятларнинг таклифи

баҳосидир. Ўзаро компенцияловчи рискли активлар ва мажбуриятларга нисбатан банк ўзаро компенсацияловчи рискли позицияларнинг адолатли қийматини аниқлаш учун ўртача бозор баҳоларини ва соф очик позияга нисбатан тегишли талаб баҳоси ёки таклиф баҳосини қўллаши мумкин. Гарчи биржа ёки ўзга ташкилотда котировкаларни эркин ва доимий олиш мумкин бўлган пайтда молиявий инструмент фаол бозорда котировкаланадиган бўлади, бунда бундай котировкаларни бозор шароитида амалга ошириладиган реал ва доимий битимларнинг натижаси деб ҳисоблаш мумкин.

Дисконтланган пул оқимлари усули, шунингдек бозор шароитида амалга ошириладиган ўхшаш операциялар тўғрисидаги маълумотларга асосланган усуллар ёки инвестициялар объектининг жорий қиймати каби баҳолаш усуллари битимлар баҳоси тўғрисидаги бозор маълумоти бўлмаган молиявий инструментларнинг адолатли қийматини аниқлаш учун қўлланилади. Ушбу моделлар ёрдамида ҳисоб – китоб қилиш учун кузатилаётган бозор маълумотлари билан тасдиқланмаган фикрларни шакллантириб олиш зарур бўлади. Бу фикрларнинг асосланган ҳолда ўзгартирилиши фойда, даромад, активлар ёки мажбуриятлар умумий суммасининг сезиларли ўзгаришига олиб келади.

Дастлабки қиймат – бу сотиб олиш санасига активни кирим қилиш учун тўланган пул маблағлари ёки уларнинг эквивалентлари ёки бошқа ресурсларнинг адолатли қиймати суммаси бўлиб, унга битим юзасидан харажатлар киритилади. Дастлабки қиймат бўйича баҳолаш фақат бозор котировкаларига эга бўлмаган ва адолатли қиймати ишончли тарзда баҳоланиши мумкин бўлмаган улушли инструментларга инвестициялар ҳамда бундай улушли инструментларга боғланган хосилавий инструментларга нисбатан қўлланилади (4 – изоҳга қаралсин).

Битимлар юзасидан харажатлар – молиявий инструментни сотиб олиш, чиқариш ва ҳисобдан чиқариш билан бевосита боғлиқ қўшимча харажатлардир. Қўшимча харажатлар – битим амалга ошмаган пайтда

бўлмайдиган харажатлардир. Битим бўйича харажатлар таркибига агентлар (савдо агенти сифатида чиқадиган ходимлар киритилган ҳолда), маслаҳатчилар, брокер ва дилерларга тўланган мукофотлар ва комиссиялар ҳамда мулкнинг ўтказилиши пайтидаги йиғимлар ва солиқлар киритилади. Битим бўйича харажатларга қарз мажбуриятлари бўйича мукофотлар ёки дисконтлар, молиялаштириш харажатлари, ички маъмурий харажатлар ёки сақлаш харажатлари киритилмайди.

Амортизацияланган қиймат – бу асосий қарз тўловлари чегирилган, аммо йиғилган фоизлар қўшилган ҳолда активнинг дастлабки қийматидир, молиявий активлар учун эса – кадрсизланиш оқибатида олинган зарарларнинг исталган ҳисобдан чиқарилиши чегилган қийматдир. Йиғилган фоизлар ўз таркибига битим бўйича харажатларни дастлабки тан олинishi пайтида кечиктирилган амортизация, шунингдек самарали фоиз ставкаси усулида ҳисобланган исталган мукофот ва сўндириш суммасидан дисконтни олади. Йиғилган фоиз даромадлари ва йиғилган фоиз харажатлари, йиғилган купонли даромад ва амортизацион дисконт ёки мукофот (гарчи бўлса тақдим қилишдага кечиктирилган комиссия қўшилган тарзда) билан биргаликда алоҳида кўрсатилмайди, балки молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботнинг тегишли моддаларининг баланс қийматига киритилади. Самарали фоиз ставкаси усули – бу тегишли давр давомида инструментнинг баланс қийматига фоиз ставкасининг доимийлигини таъминлаш мақсадида фоизли даромадлар ёки фоизли харажатларни тан олиш усулидир. Самарали фоиз ставкаси – молиявий инструмент ҳаракатда бўлиши кутилаётган давр река тегишли вазиятларда анча қисқава молиявий инструментнинг соф баланс қийматигача бўлган давр учун ҳисоб – китобли келгуси пул тўловлари ёки тушумларини дисконтлашнинг аниқ ставкасидир. Самарали фоиз ставкаси сузувчи ставкага эга инструментлар бўйича пул оқимларини фоиз ставкаларининг келгуси ўзгариши санасигача дисконтлаш учун қўлланилади, бунда ушбу инструмент учун кўрсатилган сузувчи ставка бўйича кредит спреди ёки бозор аҳамиятидан келиб чиққан ҳолда ўрнатилмайдиган ўзга

Ўзгурувчан омилларни акс эттирувчи мукофотлар ёки дисконт чегирилади. Бундай мукофотлар ва дисконтлар инструментнинг кутилаётган муомалада бўлиши муддати давомида амортизацияланади. Дисконтлаштирилган қиймат самарали фоиз ставкасининг ажралмас қисми бўлган битим томонларига тўланган ёки олинган барча комиссиялардан ташкил топади.

Молиявий инструментларнинг дастлабки тан олиниши. Банкнинг молиявий инструментлари дастлаб битим бўйича харажатлар киритилган ҳолда адолатли қиймат бўйича акс эттирилади. Дастлабки тан олиш пайтида адолатли қийматнинг энг яхши тасдиғи битим баҳоси ҳисобланади. Дастлабки тан олиш пайтидаги фойда ёки зарар фақат адолат қиймат ва битим баҳоси ўртасида фарқ бўлган пайтдагина ҳисобга олинади, бунинг тасдиғи сифатида ўхшаш инструментлар билан бозордаги жорий битимлар ёки бозорда кузатилаётган маълумотлар базавий маълумот сифатида олинадиган баҳолаш усуллари олиниши мумкин. Молиявий инструментларнинг сотиб олиниши ёки сотилиши қонунчилик томонидан белгиланган ёки бозордаги ишчанлик айланишлари анъаналари («андозавий шартларда» сотиш ва сотиб олиш) га асосланган муддатларда етказиб берилиши керак ва улар банк молиявий активни сотиб ёки сотиш мажбурияти санасида яъни битимни амалга оширилиши муддатида акс эттирилади. Сотиб олиш бўйича барча бошқа операциялар ушбу молиявий инструмент бўйича компания шартнома томонларидан бири бўлган ҳолатдагина тан олинади. Ушбу молиявий инструмент бўйича ўзга барча сотиб олишлар ва сотишлар битим санасига мажбуриятнинг юзага келиши санаси ва битим санаси ўртасидаги қийматнинг ўзгариши инобатга олинган ҳолда тан олинади.

Молиявий активларни тан олишнинг тўхталиши. Банк қуйидаги ҳоллатларда молиявий активларни тан олинишини тўхтади: а) гарчи бу активлар тўлиқ сўндирилган ёки бу активлар билан боғлиқ пул оқимларига ҳуқуқ ўзгача тарзда тугаган; ёки б) банк молиявий активлар бўйича пул оқимларига бўлган ҳуқуқни ўтказган ёки бу ҳуқуқни ўтказиш юзасидан

битим тузган; бунда (1) шунингдек бу активларга эгалик қилиш билан боғлиқ барча рисклар ва манфаатларни ўтказган, ёки (2) бу активларга эгалик қилиш билан боғлиқ барча рисклар ва манфаатларни ўтказмади ва сақламади, аммо ушбу активларга нисбатан назорат ҳуқуқини йўқотди. Назорат контрагентнинг боғланмаган учинчи томонга сотиш юзасидан чекловларни киритмасдан туриб активни тўлиғинча сотиши амалий жиҳатдан мумкин бўлмаган пайтда сақланиб қолади.

Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари нақд пул маблағлари эркин конвертацияланадиган ва қийматнинг ўзгаришига аҳамиятсиз даражада таъсирчан бўлган моддалардир. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таркибига ЎРМБ даги мажбурий захиралар ва сўндирилиш муддати 3 ойгача бўлган барча банклараро депозитлар киритилади. Тақдим қилиш муддатида уч ойдан юқори даврда ишлатилиш бўйича чекловлари мавжуд бўлган маблағлар пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари таркибидан чегирилади. Пул маблағлари ва уларнинг эквивалентлари амортизацияланган қийматда акс эттирилади.

Бошқа банклардаги маблағлар. Бошқа банклардаги маблағлар белгиланган ёки ўрнатилган санада сўндирилиши лозим бўлган ва банк томонидан банк – корреспондентларга бўнак тўловлари сифатида тақдим қилган пайтда ҳисобга олинади, бунда банкда хосилавий ва очик бозорда котиrowкаланмайдиган молиявий инструментлар билан боғлиқ бўлмаган дебиторлик қарзлари билан савдо операцияларини амалга ошириш нияти бўлмаслиги керак. Бошқа банклардаги маблағлар амортизацияланган қийматда акс эттирилади.

Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар. Мижозларга берилган кредитлар ва бўнақлар банк томонидан мижозларга белгиланган ёки ўрнатилган санада сўндирилиши лозим бўлган, хосилавий ва очик бозорда котиrowкаланмайдиган молиявий инструментлар билан боғлиқ бўлмаган дебиторлик қарзлари билан савдо операцияларини амалга ошириш нияти

бўлмаган ҳолда, дебиторлик қарзини яратиш ёки сотиб олиш учун бўнак тўловлари сифатида пул маблағларини тақдим қилинишида ҳисобга олинади. Мижозларга берилган кредитлар ва бўнаклар амортизацияланган қийматда акс эттирилади.

Амортизацияланган қийматда акс эттириладиган молиявий активларнинг қадрсизланиши. Етарли даражадаги ишонч билан баҳолаш мумкин бўлган молиявий актив ёки молиявий активлар гуруҳи билан боғлиқ келгуси пул оқимларининг даврийлиги ёки миқдори таъсир қилувчи ва молиявий активни дастлабки тан олишдан сўнг юз берган бир ёки ундан кўп («зарар воқеалари») воқеа натижасида қадрсизланишдан олинган зарар йил учун фойда ва зарарлар таркибида тан олинади. Гарчи банкда индивидуал тарзда баҳоланган молиявий актив учун қадрсизланишининг объектив исботи бўлмаса (аҳамиятлилиқ даражасидан қатъий назар), бу актив кредит рисклари билан ўжшаш бўлган молиявий активлар гуруҳига қўшилади ва улар билан биргаликда қадрсизланиш нўқтаи – назаридан баҳоланади. Молиявий активнинг қадрсизланиши масаласини кўриб чиқишда банк эътиборга оладиган асосий омиллар – муддатлилиқ, таъминот ёки кафолатни реализация қилиш имконияти.

Қуйида қадрсизланишдан олинган зарарларнинг объектив хусусиятлари мавжудлиги белгилаб берувчи асосий критерийлар келтирилади:

- навбатда турган исталган тўловнинг муддати ўтганлиги, бунда нотўловлар ҳисоб – китоб тизимидага тўхталишлар билан изоҳланиши мумкин эмас;
- қарздор аҳамиятли молиявий қийинчиликларга дуч келган, бу банк ихтиёрида бўлган қарздор тўғрисидаги молиявий ахборот билан тасдиқланади;
- қарздорда банкротлик ёки молиявий қайта ташкил қилиниш хавфи мавжуд;

- қарздорга таъсир ўтказувчи миллий ёки маҳаллий иқтисодий шароитнинг ўзгариши билан асосланган қарздорнинг тўлов статуси салбий томонга ўзгариши кузатилган; ёки

- бозордаги шароитнинг ўзгариши билан натижасида таъминот қиймати сезиларли даражада пасаяди.

Қардсизланишни жамланма тарзда баҳолаш учун молиявий активлар кредит рискининг ўхшаш тавсифлари бўйича гуруҳланади. Бу тавсифлар шундай гуруҳдаги активлар учун келгуси пул оқимларини баҳолашга тегишли бўлиб, баҳоланаётган активларга нисбатан контракт шартларига мос ҳолда дебиторлар томонидан барча тегишли суммаларни сўндириш имкониятидан далолат беради.

Қадрсизланиш нўқтаи – назаридан баҳоланаётган молиявий активлар гуруҳлари бўйича келгуси пул маблағларининг оқимлари шу активлар билан боғлиқ шартномавий пул оқимлари ва банк раҳбарияти ихтиёрида бўлган зарарнинг бўлиб ўтган воқеалари натижасида юзага келадиган муддати ўтган қарз ҳажмлари, шунингдек муддати ўтган қарзларнинг муваффақиятли сўндирилиши тўғрисидаги статистика асосида аниқланади. Ўтган йилларнинг статистикаси ўтган йилларда таъсир кўрсатмаган, аммо жорий кузатувлар маълумотларига кўра жорий ҳолатларнинг таъсирини акс эттириш учун, бундан ташқари жорий маврда мавжуд бўлмаган ўтган воқеаларнинг таъсирини бартараф қилиш коррективроқланади.

3 – боб. Замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш орқали банкларо ҳисоб – китобларни такомиллаштириш имкониятлари.

3.1. Банклараро ҳисоб – китоблар тизимида мавжуд муаммолар ва ҳисоб - китобларни такомиллаштириш имкониятлари.

Республикада нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амаиётини такомиллаштириш борасида қатор муаммолар мавжуд. Хусусан, тараққий этган мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Ўзбекистон Республикасининг тижорат банклари миллий валютада фақат битта “Ностро”

вакиллик ҳисобрақамига эга. Ушбу вакиллик ҳисобрақами Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг балансида очилган. Тараққий этган мамлакатларда эса, ҳар бир тижорат банки миллий валютада иккита “Ностро” вакиллик ҳисобрақамига эга. Ушбу вакиллик ҳисобрақамининг биттаси Марказий банкнинг балансида (вертикал вакиллик ҳисобрақами) очилган бўлса, иккинчиси мамлакатдаги бошқа тижорат банкларининг балансида (горизонтал вакиллик ҳисобрақами) очилган. Банклараро ҳисоб-китобларнинг барчаси горизонтал вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади. Тижорат банкининг Марказий банк билан ҳисоб-китоблари (Марказий банкдан кредит олиш, Марказий банкка депозитлар жойлаштириш, мажбурий захира ажратмасини ўтказиш каби операциялар) вертикал вакиллик ҳисобрақами орқали амалга оширилади.

Тижорат банкларининг ўзаро горизонтал вакиллик ҳисобрақамларига эга эмаслиги тўловлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади ва нақд пуслиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади.

Нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш борасидаги долзарб муаммолардан бири айрим банкларда ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги ҳисобланади. Ликвидлилик муаммоси банклар орқали тўловларни ўтказиш ҳажми ва узлуксизлигига салбий таъсир кўрсатади. Тижорат банклари ликвидлигини таъминлаш борасидаги асосий муаммолар сифатида қуйидагиларни ажратиб кўрсатиш мумкин:

1. Республикамиз тижорат банкларининг активлари таркибида даромад келтирмайдиган ва даромадлилик даражаси паст бўлган активларни, яъни кассали активларни, бино ва иншоотларни сезиларли даражада юқори салмоққа эга эканлиги муаммоси.

Амалга оширилган тадқиқотларнинг натижалари шуни кўрсатадики, ҳозирги вақтда республикамиз тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра иккинчи ўринни кассали активлар эгаллайди, учинчи ўринни

эса, асосий воситаларга қилинган қуйилмалар эгаллайди. Ҳолбуки, асосий воситалар даромад келтирмайдиган актив ҳисобланади, кассали активларнинг даромадлилик даражаси эса, жуда пастдир. Ривожланган индустриал мамлакатларнинг банк амалиётида эса, тижорат банклари активларининг таркибида салмоғига кўра биринчи ўринни кредитлар, иккинчи ўринни қимматли қоғозлар шаклидаги активлар, учинчи ўринни эса, кассали активлар эгаллайди. Қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар даромадлилик даражасига кўра кредитлардан кейинги актив ҳисобланади. Бундан ташқари, улар банкларнинг ликвидлилигини таъминлашда муҳим рол ўйнайди. Шу боисдан ҳам, кўплаб хорижий банкларда активларнинг даромадлилик даражасини юқори эканлиги кузатилади.

2. Республикамиз тижорат банклари активларининг даромадлилик даражасига салбий таъсир қилувчи мажбурий заҳира талабномаларининг мавжудлиги.

2008 йилнинг ноябр ойидан бошлаб республикамиз тижорат банкларининг миллий ва хорижий валюталардаги барча депозитларидан 15 фоиз миқдорида мажбурий заҳира ажратмаси олиш жорий қилинди. Бу нисбатан юқори ставка бўлиб тижорат банкларининг кредитлаш имкониятига ва ликвидлилигига сезиларли даражада салбий таъсир кўрсатади. Масалан, Японияда мажбурий заҳира ставкаси 0,1 фоиздан 0,125 фоизгача қилиб белгиланган. Бу кўрсаткич Буюк Британияда -0,45 фоизни, АҚШда -3-12 фоизни, еврозонага кирувчи Европа мамлакатларида эса, 2 фоизни ташкил қилади.

Ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида мажбурий заҳира ставкалари депозитларнинг муддати ва сўммасига боғлиқ равишда табақалаштирилган. Депозитнинг сўммаси қанчалик катта бўлиб муддати қанчалик қисқа бўлса, мажбурий заҳира ставкаси шунчалик юқори белгиланади. Натижада муддатли ва жамғарма депозитларига нисбатан паст ставкалар қўлланилади.

3. Банк кредитлари учун юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслиги:

Халқаро банк амалиётида биринчи тоифали гаров объектлари ҳисобланган объектларни республикамиз амалиётида етишмаслиги сезилади. Масалан, ер биринчи тоифали гаров объекти ҳисобланади. Лекин республикамизда ерга нисбатан хусусий мулкчилик муносабатлари тўлиқ қарор топмаганлиги муносабати билан ундан гаров сифатида фойдаланиб бўлмайди.

Биринчи тоифали гаров объектларидан яна бири ҳукуматнинг қимматли қоғозлари ҳисобланади. Юқорида таъкидлаб ўтилганидек республикамизда ҳукуматнинг фақат бир турдаги қимматли қоғозлари мавжуд бўлиб, уларнинг эмиссия ҳажми жуда кичик.

Биринчи тоифали гаров объектларидан кейингиси ҳукумат томонидан тўлови кафолатланган корпоратив қимматли қоғозлардир. Республикамизда ҳукумат томонидан кафолатланган қимматли қоғозларнинг бирон-бир тури мавжуд эмас.

Демак, республикамиз банк ва хўжалик амалиётида юқори ликвидли ва ишончли гаров объектларининг етишмаслик муаммоси мавжуд. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг кредит операциялари кўламини оширишга тўсқинлик қилади.

4. Республикамиз тижорат банкларининг қимматли қоғозлар билан амалга ошириладиган операцияларини ривожланмаганлиги.

Таҳлил натижаларидан маълум бўлдики, республикамиз тижорат банкларининг миллий ва халқаро фонд биржаларидаги фаолияти сустлигича қолмоқда. Бу ҳолат банкларнинг қимматли қоғозлар портфелини таҳлил қилиш жараёнида яққол намоён бўлди. Ҳолбуки, ривожланган хорижий давлатлар банк амалиётида қимматли қоғозлар билан боғлиқ операциялар банкларнинг ссудалардан кейинги иккинчи асосий фаолият тури ҳисобланади.

4 – боб. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида меҳнат муҳофазаси ва ҳаёт хавфсизлигини таъминланишининг амалдаги ҳолати таҳлили.

4.1. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида меҳнат муҳофазасини таъминлаш борасида амалга оширилган ишлар.

Ўзбекистонда меҳнат муҳофазаси – бу тегишли конун ва бошқа меъерий ҳужжатлар асосида амал килувчи, инсоннинг меҳнат жараёнидаги

хавфсизлиги, сihat-саломатлиги ва иш қобилияти сақланишини таъминлашга қаратилган ижтимоий, иқтисодий, ташкилий, техникавий, санитария-гигиена ва даволаш олдини олиш тадбирлари ҳамда воситалари тизимидан иборат.

Меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича белгиланган барча тадбирлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (8 декабр, 1992 йил), Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (21 декабр; 1995 й.), «Меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги қонун» (6 май, 1993 й.), Давлат стандартлари, низомлар ва норматив ҳужжатлар, хавфсизлик техникаси бўйича қоидалар асосида олиб борилади.

Республикада демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятининг қурилиши инсон ҳуқуқлари ва эркинликларига тулик риоя этилишини таъмин қилади. Ўзбекистон Республикасининг Конституциясида Республикамиз фуқароларининг шахсий ҳуқуқий ва эркинликлари, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари яққол ўз ифодасини топган. Конституцияда қўрсатилганидек, «Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида маъсулдирлар». (2-модда); «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг ўзвий ҳуқуқидир...» (24 модда); «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, қулай меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда қўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» (37 модда). Юқоридагиларга асосланган ҳолда ифодалаш мумкинки, инсоннинг ҳаёти ҳам, меҳнат фаолияти ҳам, соғлиги ҳам давлат қонунлари асосида ҳимояланади, муҳофаза қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги Қонунида меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги давлат сиёсати аниқ ўз аксини топган. Унда «Қорхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти натижаларига нисбатан ҳодимнинг ҳаёти ва соғлиги устиворлиги» (4 модда) таъкидланган. Ўшбу қонун 5 бўлим ва 29 моддадан иборат бўлиб, унда меҳнат муҳофазаси бўйича умумий қоидалар (1-бўлим, 7 моддадан иборат); меҳнатнинг муҳофаза қилинишини таъминлаш (2-бўлим, 8 моддадан иборат);

ишловчиларнинг меҳнатни муҳофаза қилишга доир ҳуқуқларини рўёбга чиқаришдаги қафолатлар (3-булим, 6 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларга риоя этилиши устидан давлат ва жамоатчилик назорати (4-булим, 3 моддадан иборат); меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисида»ги қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларни бузганлик учун жавобгарлик (5-булим, 5 моддадан иборат) масалалари ёритилган.

1995 йил 21 декабрда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси қабул қилинди ва у 1996 йил апрель ойидан бошлаб амалда қучга кирди. Ушбу қонунларда қурсатилишича ҳавфсизлик техникасига, ишлаб чиқариш санитариясига ёнгин чиқишидан сақланишга ва меҳнат муҳофазасининг бошқа қоидаларига риоя этиш юзасидан ишчи ва хизматчиларга йул-йуриқлар бериш, шунингдек, ходимларнинг меҳнат муҳофазасига доир қулланмаларда қурсатилган ҳамма талабларга амал қилиши устидан доимий назорат урнатиш маъмурият зиммасига юкланади. Меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда, шунингдек, алоҳида ҳарорат шароитида бажарилаётган ёки ҳавони ифлослантирувчи ишларда меҳнат қилувчи ва хизматчиларга белгиланган совун, махсус қийим-бош, пойафзал ва бошқа шахсий ҳимоя воситалари текинга берилади. Меҳнат шароити ифлосланиш билан боғлиқ ва зарарли бўлган ишларда ишловчи ишчилар белгиланган нормаларда совун, сут ёки бошқа хил профилактик озик-овкатлар, иссик цехларда ишловчиларга эса газ-сув билан текин таъминланади.

Меҳнат қонунлари кодексида балоғатга етмаган ёшларнинг меҳнатига алоҳитда эътибор берилган. Ун саккиз ёшга тулмаган йигитларнинг 16 кг дан. Қизларни 10 кг дан ортиқ юк қутаришига, уларнинг иш вақтини ҳафтасига 36 соатдан ортиб қетишига, йул қуймаслик қерак. Шунингдек, уларни тунги ва иш вақтидан ташқари ишларга ҳамда дам олиш қунлари ишлашга жалб этиш тақиқланади. Ишчи ходимлар учун иш вақтининг нормал муддати 40 соатдан ошиб қетмаслиги, ун саккизга қирмаган ёшлар ҳамда меҳнат шароити зарарли бўлган ишларда меҳнат қилувчилар учун иш

вакти микдори ҳафтасига купи билан 36 соат булиши керак. Иш вақтидан ортиқ ишлаш ҳар бир ишчи ва хизматчи учун сурункасига икки кун давомида 4 соатдан ва йилига 120 соатдан куп бўлмаслиги лозим.

Мехнат шароитларини меъёрлаштириш, ишчилар учун соғлом ва хавфсиз иш шароитини таъминлаш мақсадида мехнат хавфсизлиги талаблари асосида стандартлар ишлаб чиқилиб улар маълум бир системага солинган.

Ишлаб чиқаришда юз берадиган бахтсиз ҳодисаларни олдини олишга қаратилган тадбирлардан бири бу содир бўлган бахтсиз ҳодисаларни тугри текшириш ва таҳлил қилиш, уларнинг сабабларини аниқлаш ҳамда олинган маълумотлар асосида тегишли тадбирлар ишлаб чиқишдан иборатдир. Шу нуктаи назардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги 286-сонли қарорига асосан «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ҳодимлар саломатлигининг бошқа зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш» тугрисида Низом қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунлари кодексида ҳамда меҳнатни муҳофаза қилиш тугрисидаги Қонунида ва бошқа меъерий ҳужжатларни бузганлиги учун жавобгарлик белгиланади. Қонунда, меҳнатни муҳофаза қилишга доир талаблар таъминланмаганлиги учун қорхоналарнинг жавобгарлиги, (25-модда) меҳнатни муҳофаза қилиш талабларига жавоб бермайдиган ишлаб чиқариш аҳамиятидаги маҳсулотни тайёрланганлик ва сотганлик учун қорхоналарнинг иқтисодий жавобгарлиги, (26 модда): ишлаб чиқаришда жабрланган ҳодимларга зиён етказганлик учун қорхоналарнинг моддий жавобгарлиги, (28-модда); ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса оқибатида ҳодим вафот этган тақдирда қорхонанинг моддий жавобгарлиги (29-модда) аниқ қурсатиб утилган.

«Меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонунлар ва бошқа меъерий ҳужжатлар бузилишидап айбдор бўлган ёки давлат ва жамоатчилик назорати идоралари вакилларининг фаолиятига монелик қилган мансабдор шахслар

Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда интизомий, маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиладилар» (27-модда).

«Мехнатни муҳофаза қилиш тугрисида» ги Қонун асосида ишлаб чиқаришдаги инсон соғлиги учун зарарли бўлган омилларни бартараф қилиш бахтсиз ҳодисаларнинг олдини олиш ва иш жойларининг санитария-гигиеник жиҳатдан қониқарли ҳолатда бўлиши учун барча зарур чора-тадбирларни қилиш масъулияти маъмурият зиммасига юклатилганлиги қўрсатиб ўтилган. Қасбий заҳарликлар мавжуд бўлган ҳудудларда меҳнат қиладиган ишчилар қисқартирилган иш куни, қўшимча дам олиш кўнлари жўрий этилиши. Зарали иш жойлардида ишлаганларга. Яъни жуда иссиқ ҳароратли, совуқ. Заҳ ва соғлиқ учун зарарли шароитда меҳнатқилаётганлар учун махсус устама ҳақ ҳамда ҳимоя қийимлари берилиши қўзда тутилади. Қасбий қасалликларнинг олдини олиш, ишчиларнинг соғлигини мустаҳкамлаш мақсадида уларнинг ўрнатилган тартиби жўрий этилган.

ОАТБ «Микроқредитбанк» Самарқанд бўлимида меҳнат ҳавсизлигини таъминлаш мақсадида қўпгина ишлар қилинган, жўмладан қўпўтер билан ишлаш жараенида нўрланишининг олдинги олиш мақсадида барча қўпўтерлар махсус ҳимоя экранлари билан жизозланган. Жазирма ёз мавсумида иш ўнўмдорлигини ошириш ҳамда меҳнат ҳавсизлигини таъминлаш мақсадида барча қўналарда махсус совўтгичлар ўрнатилган.

ОАТБ «Микроқредитбанк» Самарқанд бўлимида барча қўдимлар ишининг ҳавсизлик даражаси, шўнингдек ҳизмат малақаси қўдимнинг стажи, лавозимидан қатъий назар ишга қабўл қилинганда белгиланган мўддатларда қўпўтер ҳавсизлиги бўйича йўриқномалар билан таништирилади.

Ишлаб чиқаришда соғлом ва ҳавфсиз меҳнат қилиш шароитини яратишда, меҳнат Қўнуни, қўдекси, Низомидан бўшқа Меҳнат ҳавфсизлиги стандартлар тизими қатта рол ўйнайди. Улардаги қўйилган вазифани бажаришда ва нўрмадаги шароитни таъминлашда меҳнат муҳофазасини бўшқариш тизими – системаси иноватга олинади. Меҳнат муҳофазасини бўшқариш тизими фўолиятига меҳнатни муҳофаза қилиш бўрасидаги

ишларни режалаштириш, амалга ошириш, баҳолаш, ишларни баркарорлаштириш киради. Шунингдек, меҳнатни муҳофаза қилиш бўйича ташвиқот олиб бориш, хавфсизлик талабига биноан уқитиш, ишлаб чиқариш унумдорлигини ошириш, ускуналар, жараёнлар, бино ва қурилмалар хавфсизлигини таъминлаш, санитария – гигиеник меҳнат шароитини яхшилаш, ишчиларни шахсий муҳофаза воситалари ва меҳнатни нормадаги режими, дам олиш билан таъминлаш, санитария- маиший хизмат, мутахассисларни касбий бўйича танлаш каби вазифалар тизимнинг таркиби ҳисобланади.

4.2. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида ёнгин хавфсизлигининг таъминланиши.

Ёнгин хавфсизлиги – умумий талаблар, ёнгин хавфлари, ёнгинни олдини олиш, ёнгинга қарши ҳимоя схемаси, ёнгинни тарқатилишини олдини

олиш, энгиндан химояланиш, техник жихозлар, энгин мухофазаси буйича мутахассислар тайерлаш, турли тадбирлар утказиш, энгинга Карши инструкциялар, энгинни учиршиш, ут учиргичлар ва курилмалар, энгинни аниклаш ва учиршишнинг автоматик воситалари, энгин алокалари, сигнализациялар киради.

Электр ускуналарнинг носозлиги ёки уларни ишлатиш коида талабларига амал килмаслик, одамнинг шакастланишига олиб келади. Электр токи одам танасига термик, электролитик ва биологик хилда таъсир этиши мумкин. Натижада одамнинг нафас олишида, юрак фаолиятида, моддалар алмашувида, кон таркибида ва бошка аъзоларида узгариш булади.

Ёнувчи мода билан хаводаги кислороднинг узаро таъсири натижасида жуда тез кечувчи ва куп микдорда иссиқлик ажралиб чикувчи кийёвий реакцияга ениш дейилади.

Ёниш жараенини тухтатиш учун оксидланиш-тикланиш занжир реакцияси тузилиши керак. Бу реакцияда тухташнинг физик хамда кимёвий усуллари кулланилади.

Корхоналарда, ташкилотларда хавфсизликни таъминлаш ва иш шароитини яхшилаш маъмуриятнинг асосий вазифаси сифатида меҳнат конунлари ва кодексида йзиб куйилган.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Самарканд булимида энгин хавфсизлигини олдини олиш борасида жуда ката ишлар килинган, жумладан барча электр таркомлар стандартларга аосан икки кават махсус электр токинит утазмайдиган копламалар билан химояланган. Хар бир хонада махсус ут учирайдиган мосламалар мавжуд. Бу мосламалар хар 6 ойда махсус комиссия томонидан текширилади ва зарурат тугилганла алмаштирилади. Банкнинг дала ховлисида махсус «Хавфсизлик шкафи» мавжуд булиб, у ерда барча зарур булган асбоб ускуналар, махсус болгалар, сув сепадиган махсус шланглар мавжуд.

Банк биносининг хар бир хонасида махсус электрон даччиклар мавжуд булиб, тутун чиккан холда зудлик билан банк коровулхонасига хамда энгинга карши курашиш ташкилотига хабар етиб боради. Бундан ташкари

банк биносининг ҳар бир хонасида ёнгин чиккан ҳолда автоматик равишба сув сепадиган махсус қурилмалар билан жиҳозланган.

Ҳар йили, банк биноти Самарқанд вилояти Ички Ишлар Булими қошидаги Ёнгинга қарши қурашиш бошқармаси томонидан текширилади ва бу ҳақда далолатномалар тузилади.

Банк раҳбарияти томонидан ва ҳар 6 ойда Самарқанд вилояти Ички Ишлар Булими қошидаги Ёнгинга қарши қурашиш банк ходимлари билан тушунтириш ишлари олиб борилади.

4.3. ОАТБ «Микрокредитбанк» тизимида ходимларга тиббий хизмат кўрсатилиши ҳолати.

Маъмурият таркибида раҳбар ходимлар, яъни қорхоналарда, ташилотларда ташкилотчилик, маъмурий – хужалик ишларини амалга

оширувчи. Ишлаб чиқариш жараёнини ташкил қилувчи, ишлаб чиқаришда меҳнат қилаётган кишиларни бошқарувчи, моддий маблағларни тақсимот билан ишлатиш ва уни назорат қилиш ишларини олиб боровчи шахслар киритилади.

Маъмурий ходимларига қўйиладиган асосий талаб, улар давлат сиёсатини яхши тушунишлари ва уни амалга оширишга ҳаракат қилишлари, давлат ва халқ манфаатларини тушуниб амалга оширишлари, меҳнат шароити тартибини сақлай билишлари, ишчиларни меҳнат интизомини сақлаш ва ишга рағбатлантириш, иш унумини ошириш ва даражасини бир неча ун йил олдиндан қўра билувчи шахс бўлишлари керак.

Ҳар қандай корхонада ишлаб чиқариш технологияси, ишлатиладиган ҳом ашёси, чиқарадиган маҳсулот ва жойлашган биносининг конструкцияси ҳисобга олинган ҳолда ёнги қилишга, портлашга ва ёнги қиккан тақдирда унинг тарқалишига, шунингдек ёнгининг асоратига асосланган ҳолда ёнги ва портлашга ҳавфлилик даражаси белгиланади.

Албатта, ҳар бир корхонада ёнги ҳавфи биринчи навбатда, у ерда ишлатиладиган ҳом ашёнинг ва чиқариладиган маҳсулотнинг ёнги ҳавфлилик даражаси билан ўлчанади.

ОАТБ «Микрокредитбанк» Самарқанд вилоят бўлимида ходмларга тиббий ердам қўратиш мақсадида махсус тиббиёт қўтиси мавжуд. Ўшбу қўтида биринчи даражали тиббий ердам қўратиш ўчун барча дори воситалари, ёнги содир бўлганда махсус одам ташийдиган ўскуналар билан жиҳозланган.

Хулоса

Битирув малакавий ишини бажариш натижасида қуйидаги илмий хулосаларни шакллантиришга муваффақ бўлдик:

1. Республикамизда банклараро ҳисоб-китоблардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш масаласи алоҳида илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Аммо мазкур масаланинг алоҳида назарий ва амалий жиҳатлари қатор иқтисодчи олимлар томонидан тадқиқ этилган. Хусусан, Д.Полфреман, О.Лаврушин, В.Усоскин, Х.Дёриг²³ каби хорижлик иқтисодчи олимлар ва ўзбекистонлик иқтисодчи олимлардан – Э.Шодмонов, Ш.Абдуллаева, ва бошқаларнинг илмий изланишларида мазкур масаланинг айрим жиҳатлари тадқиқ қилинган.

2. Тадқиқот жараёнида Ўзбекистон Республикасида банкларо ҳисоб - китоблардан фойдаланиш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган қуйидаги муаммолар аниқланди:

– республикамизда тижорат банкларининг миллий валютада фақат битта “Ностро” вакиллик ҳисобрақамига эга эканлиги (тижорат банкларининг ўзаро горизонтал вакиллик ҳисобрақамларига эга эмаслиги тўловлар ҳажмини оширишга тўсқинлик қилади ва нақд пуслиз ҳисоб-китоблар амалиётини такомиллаштириш нуқтаи-назаридан салбий ҳолат ҳисобланади);

– мамлакатимиз амалиётида тўловларни амалга оширишнинг мақсадли кетма-кетлигининг қўлланилаётганлиги;

– айрим банкларда ликвидлилик муаммосининг мавжудлиги.

Республикамизда нақд пулсиз ҳисоб-китоб шаклларида фойдаланиш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган қуйидаги илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқдик:

1. Тижорат банклари активларининг таркибида юқори ликвидли қимматли қўғозларга қиинган инвестициялар салмоғини ошириш йўли иблан уларнинг ликвидлилик даражасини ошириш лозим.

²³ Полфреман Д. Основы банковского дела. Пер. с англ. – М.: ИНФРА-М, 1996. – 624 с.; Банковское дело. Под. ред. Лаврушина О.И. – М.: Финансы и статистика, 2003. – 672 с.; Дёриг Х.У. Универсальный банк-банк будущего. Пер. с немецк. – М.: Международные отношения, 2001. – 384 с.

2. Нақд пулсиз тўловларнинг мақсадли кетма-кетлигидан босқичма-босқич календар кетма-кетлигига ўтиш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. «Банк сири тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 30.08.2003 й. № 530-II.
2. «Фуқароларнинг банклардаги омонатларини ҳимоялаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 05.04.2002 й. № 360-II.
3. «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 25.04.1996 й.
4. «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни 21.12.1995 й. № 154-I.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 10 ноябр, №ПФ-4051.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиёт реал сектори корхоналарининг молиявий барқарорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 18 ноябрь, №ПФ-4053.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларидаги омонатларини ҳимоялаш кафолатларини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4057.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Фармони. 2008 йил 28 ноябрь, №ПФ-4058
5. «Банкларнинг капиталлашувини янада ошириш ва иқтисодиётни модернизациялашдаги инвестиция жараёнларида уларнинг иштирокини фаоллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 12.07.2007 й.

6. «Тижорат банкларининг капиталлаштириш даражасини оширишни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 19.12.2006 й.

7. «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони 18.05.2007 й.

8. «Банклардаги депозит ҳисобварақлардан нақд пул тўловларини узлуксиз таъминлаш кафолатлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 05.08.2005 й. № ПҚ-147.

9. «Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 26.07.2005 й. № ПҚ-136.

10. «Ўзбекистон Республикасининг телекоммуникация тармоғини ривожлантириш (II босқич) учун Япония халқаро ҳамкорлик банкнинг имтиёзли кредити маблағларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 21.07.2005 й. № ПҚ-127.

11. «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.06.2005 й. № ПҚ-100.

12. «Ипотека кредити беришни қўллаб-қувватлаш жамғармаси фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 06.05.2005 й. № ПҚ-69.

13. «Нақд пул муомаласини такомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмани қисқартириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори 15.04.2005 й. № ПҚ-57.

Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. И.А.Каримов. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009. - 56 б.

2. И.А.Каримов. Энг асосий мезон - ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. -Т.: Ўзбекистон, 2009. -24 б.

3. И.А. Каримов. Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида. -Т.: Ўзбекистон, 2008. -368 б.

4. И.А. Каримов. Юксак маънавият - енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. -176 б.

5. И.А. Каримов. Банк тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида. Тузувчи Ф.М.Муллажанов. -Т.: Ўзбекистон, 2005. -528 б.

Ўзбекистон Республикаси вазирликлари ва маҳкамаларининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари

1. «Тижорат банклари томонидан Марказий банкда мажбурий захираларни депотентлаш тартиби тўғрисида»ги Низом 2004 йил 31 декабрь.

2. «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан операцияларни амалга оширишга доир талаблар тўғрисида»ги Низом 2004 йил 16 сентябрь.

3. «Ўзбекистон Республикасида нақд пулсиз ҳисоб-китоблар тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг қарори 2004 йил 13 декабрь 1122-2-сон.

4. «Фоизларни ўстирмаслик тўғрисида» Марказий банки бошқарувининг Қарори 2004 йил 24 январь 1304-сон.

Китоб ва туркум нашрлар

1. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. - Тошкент: Молия, 2002й. – 304б.

2. Абдуллаева Ш.З. Пул, кредит ва банклар: дарслик. / Ш.З.Абдуллаева - Тошкент: IQTISOD-MOLIYA, 2007. - 348б.
3. Банковское дело: управление и технологии: учеб. пособие для вузов. / Под. ред. проф. А.М.Тавасиева. - Москва: ЮНИТИ-ДАНА, 2001. - 863с.
4. Банковское дело: учебник. / Г.Г. Коробова. - Москва: Экономист, 2005. - 751с.
5. Лаврушин О.И. Банковское дело: учебник. 2-е изд. Перераб. и доп. / О.И. Лаврушина. - Москва: КноРус, 2008. – 768 с.

Интернет сайтлар

1. <http://www.review.uz/>
2. <http://www.uba.uz/>
3. <http://www.cbu.uz/>
4. <http://www.gov.uz/>